



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@mcs.uz 2013 yil 6 sentabr • №36 (4227)

ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ТИМСОДИ

Азим пойтахтимизнинг қоқ марказида шундай бир қутлуғ манзил бор. Бу манзилнинг чор тарафида — йўлаклардан кичик майдончаларигача кўм-кўк арчалар адл бўй қўтарган, анвойи гулларнинг атри, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизнинг ҳар буржидида яшайтган инсонлар димоғига ажиб бўй бериб турибди. Навқиронлик, осудалик, бирдамлик, умуман, инсоний тушунчаларнинг барчаси шу майдонга жам бўлгандек. Бу манзил — Мустақиллик майдони!

Юртимизнинг турли гўшаларидан ташриф буюраётган нурунийларимизнинг азиз қадамжоларига, ёш йигит-қизларнинг зиёрат қиладиган масканига айланган бу манзилда мустақиллик қўлларидан тутиб опичлаган ширин болажонларнинг кулгулари бардавондир. Бу майдон барча юртдошларимизда ватанпарварлик ҳис-туйғусини уйғотади, десак муболага эмас. У биз учун ётти мўъжизанинг бири "Тоғмахал" ёки Миср эҳромларидан ҳам азиздир. Бу майдон бизга ҳар

куни, ҳар дақиқада халқимизнинг асрий орзулари ушалган улуг кунни эслатиб туради. Бу майдонда

Ватан учун яшайлик!

Мустақиллигимиз илк қадамларини кўйгандир. Шунинг учун ҳам, унга талпинамиз, кўзларидидаги туйғуларни бир-бирига ўхшаган элдошларни кўриб, бахтдан нигоҳида балқиб турган осойишталикни ҳис этиб антикамиз.

Давоми иккинчи саҳифада.

Ҳар биримизнинг шахсий ҳаёти-мизда муҳим саналар бўлганидек, Ватанимиз тақдири билан муштарак муҳим саналар ҳам бисёр: Биринчи сентябр. Йигирма биринчи март. Йигирма биринчи октябр. Саккизинчи декабр... Яна бир муҳим сана борки, ҳеч иккиланмай уни мустақиллик майдонининг туғилган куни ҳам дейиш мумкин. 1991 йилнинг 5 сентябридан эътиборан, бу майдон, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида биноан "Мустақиллик майдони" деб аталди. Таъкидлаш жоизки, юртимиздаги улкан ўзгаришлар шарофати туфайли Мустақиллик майдони фахр-ифтихоримиз бўлмиш гўзал ва обод масканга, айна пайтда пойтахтимиздаги меъморчилик ансамбллариининг мухташам ва ажралмас қисмига айланди.



ЮРТИМИЗДА ЯНГИ ТЕАТР МАВСУМИ

Ёзги танаффусдан сўнг мамлакатимиз театрлари яна ўз эшикларини муҳлисларга кенг очмоқда. Истиқлол шодиёналари шуқуҳи кезиб юрган шу кунларда Ўзбек миллий академик драма театри ҳам янги мавсумни кўтаринки руҳ билан кутиб олади. Шу муносабат билан театрда ташкил этилган ижодий учрашувда кўлаб санъат иҳлосмандлари, таниқли ижодкорлар, соҳа мутахассислари иштирок этди.

табий. Яқин кунлар ичида театр саҳнасида Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи асосида Марат Азимов томонидан саҳналаштирилган янги спектакл тақдироти бўлиб ўтиши кутилмоқда. Шунингдек, театр репертуаридан илгари ўрин олган бир қанча спектакллари қайта тиклаш ҳам режалаштирилган. Хусусан, муҳлислар бу мавсумда театр бош режиссёри Валижон Умаров саҳналаштирган "Бир қадам йўл" ва "Дарахлар тик туриб жон беради" каби спектакллари томоша қилиш имконига эга бўлишди. Театр қошида актриса Шоҳида Исмоилова томонидан ташкил этилган болалар актёрлик студияси ҳам фаол ишланмоқда. Янги йил арафасида студия аъзолари машҳур "Буратино" эртаги асосида янги саҳна томошасини тақдим этмоқчи. Айна пайтда жамоа халқаро "Theatr.uz" фестивалида иштирок этишга тайёргарлик ишларини бошлаб юборган.



Кўриниб турибдики, Ўзбек миллий академик драма театри янги мавсумга катта тайёргарлик билан келган. Театр жамоаси ўтган йиллардаги ютуқ ва муаммолардан тегишли хулоса чиқарган ҳолда, долзарб мавзудаги янги, қизиқарли ва энг муҳими бадиий залворни юксак саҳна асарларини тақдим этишига умид қилиб қоламиз.

Ўз муҳбиримиз.

Таъкидлаш лозимки, ушбу тадбирга ташриф буюрган муҳлислар ўзга хос санъат байрамига гувоҳ бўлишди. Театр фойе-си байрамона руҳда безатилиб, турли йилларда саҳналаштирилган машҳур спектакллarning фото кўргазмаси ташкил этилди. Миллий чолғуларимиз жўрлигида ижро этилган мафтункор куй-қўшиқлар кечга янада байрамона руҳ бағишлади. Яйра Абдуллаева, Теша Мўминов, Эркин Комилов, Турғун Азизов, Мухаммадали Абдуқундузов каби актёрлар сўзга чиқиб, томошабинларни самимий куллади. Тадбир якунида эса "Ўзбекча ракс" спектакли намойиш этилди.

— Янги театр мавсуми бошланишини, айниқса, актёрлар орзиқиб кутишди, — дейди Миллий театр директори Маҳмуд Исмоилов. — Ўзим ҳам актёр бўлганим учун бу ҳиссиётлар менга бегона эмас. Томошабинлар билан саҳнада яна юзма-юз учрашининг ўзгача завқи бор. Бироқ янги мавсум бошланиши жамоа зиммасига катта масъулият юклагани ҳам унутмаслик керак. Шу сабабли

мамлакатимиздаги барча театрлар қатори, ижодий жамоамиз ҳам янги мавсумга жиддий ҳозирлик кўрган. Аввало, бу йил ўзбек театрининг юз йиллик байрамини кенг миқёсда нишонлашга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Театримизга бир қатор ёш режиссёрларни таклиф қилишга қарор қилдик. Тўғри, ёш ижодкорларга спектаклни ишониб топшириш маълум маънода таваккалчиликни талаб қилади. Бироқ театр ҳеч қачон экспериментлардан қўрқмаслиги керак, деб ўйлайман. Сўнгги йиллар жамоамизга кўлаб ёш актёрлар жалб этилди. Қувонарли жиҳати, уларнинг аксарияти билдирилган ишончини оқлашди. Энди навбат режиссёрларга етиб келди. Умид қиламизки, ёш режиссёрларнинг ижодий изланишлари муҳлислар билан бир қаторда мутахассисларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

Дарҳақиқат, Миллий театрининг бу мавсумдаги ижодий лойиҳалари санъат иҳлосмандларидида қизиқиш уйғотиши

Одатда, "масал" атамаси остида қаҳрамонлари аллегорик характерда бўлган кичик ҳажмдаги асарлар тушунилади. Қадимда эса туркий адабиётда, араб, рус ва бошқа европа халқлари адабиётларида бу атама кенг маънода қўлланган. Антик давр юнон нотиклик мактабида масалдан кенг фойдаланилган. Юнон файласуфлари ва шоирлари Софокл, Аристотел, Гесиод, Эсхил, Аристофан, Демокрит, Диоген, Сукрот, Платоннинг асарлари ва нутқларида масаллар келтирилади ёки уларга ишора қилинади.

МАСАЛ ФАҚАТ АЛЛЕГОРИЯМИ?

Масалнинг аҳамияти ҳақида Аристотел "Риторика" асаридида тўхталиб, нотикликда ишонтиришнинг иккита усули — мисол (paradeigma) ва энтимема (enthymema) борлигини таъкидлайди: "Мен риторик силлогизмининг (асословчи фикрни) — энтимема деб атайман, ҳаётий мисолни эса — риторик йўллаш деб атайман, чунки барча нотиклар ўз фикрини асослашда ё ҳаётий мисол келтирадилар, ё энтимема кураддилар — фикр билан асослайдилар". Дарҳақиқат, нотик ёки

сўзловчи ўз фикрини далиллаш учун ҳаётий мисол келтиради, бу эса нутқнинг образли ва таъсирчан бўлишини таъминлайди. Антик давр адабиётини "парабола" (бу сўз асли "эгри чизиқ"ни билдиради, луғавий маъноси эса "орқада яширинган" дегани), "проверб", "фабльо" каби атамалар қўлланган. Маълумки, аллегория ёки мажоз кўчма маъно ифодаладиган, бир тушунчани иккинчи бир образ воситасида тушунтирадиган кўчим туридир. Аллегория, одатда масал, эртак,

Таъқиқот ва ахборот

ривоят, ҳикоят, мақол-маталларда қўлланади.

Атоуллоҳ Ҳусайний шеърый мисралар таркибига мақол киритишнинг икки усули ҳақида тушунтириш бериб, "ирсол" сўзини қуйидагича талқин этади: "Ирсол луғатта юбормоқдур. Бир жамоа орасида (машҳур бўлган ва ул жамоа ўз каломинда турли ишларга ўхшатиш ва мисол тарзида кўп зикр қилган достон ва ҳикоятларни масал дерлар".

Нутқда келтириладиган ривоят, латифа, мақол-матал, ҳикматли сўзлар масалнинг вазифасини бажаради. Агар "масал" атамасининг луғавий маъносига эътибор берилса ёки жанр генезиси чуқур текширилса, ҳаётда рўй берган бирор воқеани шунга ўхшаш воқеага қиёсланишнинг гувоҳи бўлаемиз. Шу боис қадимда масал деганда мақол, матал, ҳикоят, латифа, қисса, ривоят, нақл, эртак тушуниладиган. Халқ ўртасида бундай асарларни зарбулмасал деб юритиш анъана бўлган.

Давоми иккинчи саҳифада.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Андижон шаҳрида миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда тажрибали модельер-чеварлар, тикувчилар, зардўзлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Хунарманд, тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган кўргазмада намойиш этилган либосларда замонавийлик ва миллийлик ўзаро уйғунлаштирилгани йигилганларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, атлас, адрас, беқасам сингари матолардан тикилган миллий либосларнинг кўркам ва ҳушбичимлиги, ўзига хослиги алоҳида эътироф этилди.

Андижон шаҳридаги Дўстлик, Мирпўстин, Шўрбулоқ маҳаллалари чеварлари, шунингдек, "Хунарманд" уюшмаси виллоят бўлими, ихтисослашган касб-хунар коллежи модельер-дизайнерлари тайёрлаган ўзига хос либослар юқори баҳоладиди.

(ЎЗА.)

Мақта таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади. Ўқув йили бошланиши арафасида муассасаларни таъмирлаш, янгидан қуриш ва жиҳозлаш анъана тусини олди. Кунни-кеча миллий матбуот марказида "Таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан тизимли равишда таъминлаш масаллари, дарс жараёнига ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш юзасидан белгиланган устувор йўналишлар" мавзусида Халқ таълими вазирлиги, унинг бошқармалари ва республика таълим маркази мутасаддиларининг оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани ўтказилди.

Ушбу тадбирда халқ таълими тизимидаги муассасаларда янги ўқув йилига тайёргарлик борасида амалга оширилган ишлар, хусусан, муассаса биноларини таъмирлаш, ўқувчиларни адабиётлар билан тўлиқ таъминлаш, педагогик технологияларни кенг жорий этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил декабрдаги "Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" қарорининг ижроси бўйича қилинган ишлар, 1-синфдан чет тилларини ўқитишга тайёргарлик борасида қилинаётган ишлар кўлами тўғрисида ахборот берилди.

— Таълим муассасаларининг чет тили кабинетларини жиҳозлаш дастури доирасида жорий йилнинг охиригача 2457 та бошланғич ва 1485 та юқори синф хоналари замонавий компьютерлар, ўқув-кўргазмалар қуроллар, электрон доскалар билан жиҳозланади, — деди Халқ таълими вазир У.Иноятов. — Шунингдек, 2013-2014 ўқув йили учун 1-, 4-6-, 7-синфлар учун 400 га яқин номда дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилиб жойларга етказилди.

Тадбирда бошланғич синф ўқувчиларига ҳафтасига икки соатдан чет тили фани ўқитилаётгани, улар учун инглиз, немис ва француз тилларида дарслик мажмуалари тарқатилганига алоҳида ургу берилди.

Тадбир сўнггида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

МАКТАБ ВА ЯНГИ ДАРСЛИК

Шерали НИШОНОВ



Эътироф

"ЭЛЕГАНТ" ДАН "ЖАСМИН" ГАЧА

Сўнгги йилларда кўлаб буюк сиймоларимиз номлари абадийлаштирилди, қадимий, тарихий жой номлари тикланди. Булар яхши, аммо, гуруч курмакисиз бўлмаганидек, янги ишга тушаётган айрим-идора ва муассасалар номларининг рангбаранг тилларда ифодаланишини кўриб, очиги, бошқа бир мамлакатда юргандек ҳис қиласиз ўзингизни. Баъзи сўзларга ифодасига ҳатто тилингиз келишмай қийналиб юрасиз.

Масалан, Андижон шаҳридаги меҳмонхоналарнинг номланишига эътибор беринг: "Велла Элегант", "Элита", "Роял", "Плаза". Дўконларнинг номланиши-чи: "Керамин", "Жасмин", "Чико", "Карлеон", "Магнит", "Барселла", "Идеал". Либос дўконларига қўйилган номлар янада антиқа: "Лаванда", "Нона". Ўқув марказиго ўзгаллик салонларини ўзбек тилида мақбул сўзлар йўқдек, "Персона", "Миранда", "Диалог", деб номлаб олганлар. "Харру

Браво" кафеларию, "Истанбул", "Антаклия" ошхоналари ҳаёлингизни ўзга юртларга олиб кетади.

Ахир, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг 20-моддаси:

Куюнчак газетхон мактуби

да: "Лавхалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин, дея аниқ-тиниқ ёзиб қўйилган-ку. Шундай экан, жойларга ном қўйилаётганда мутасадди ташкилотлар ҳам ножоиз, тилимизга ёт бўлган атамаларни қайтадан кўриб чиқишлари даркор эмасми?!

Восит АҲМАДХОНОВ

Андижон шаҳри.

ОҲАНГЛАР КАМАЛАГИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2005 йилнинг декабрь ойида Мустақиллик майдонида фарзандини бағрига босиб турган “Бахтиёр она” ҳайкали ўрнатилган эди. “Мустақиллик ва Эзгулик”

тинчлик ва эзгуликни, бахт-саодат рамзини ифода этади. Майдон худудидаги “Хотира хиёбони”да истиқлол йилларида бунёд этилган “Мотамсаро она” меъморий ёдгорлиги ўтмишга ҳурмат, уруш майдонларида қурбон бўлган юртдошларимиз хотирасига эътиромимизнинг ёрқин ифодасидир.

Барчамиз кўп бора кўрганмиз: майдоннинг икки томонида иккита катта суратга кўзингиз тушади. Бирида майдоннинг олдинги ҳолати, иккинчисида эса ҳозирги ҳолати акс этган. Олдинги ҳолатига эътибор берсангиз унда олти нафар йигитнинг сурати бор. Бошида дўппи. Юз-кўзларида бир дунё ҳасрат. Уларнинг бош-

Кетамизга тушиб қолди. Кетдик. — Отаҳон яна ўйга толди. — У кунлар... Бўларкан-ку, мана, биз кутган майдон. Қаранг, фаввораларнинг чиройлигини. Олдинлари бу майдонга қуш уёқда турсин, одам келишга кўрқарди. Ваҳимали, худди шу ёрнинг ўзидаёқ қайқадир усти ёпиқ машинага солиб кетадигандек... Шу маҳал саккиз ёшлар атрофида бир болакай чопиб келди. Бийрон тилда шундай деди:

— Бобо, дадам келмаганларига афсус қиладилар. Қаранг, майдон қандай чиройли экан.

Отаҳон сурхондорлик фахрий ўқитувчи Жумакул Мирзаев экан. Мустақиллик майдони — Ватан ва миллат озолиги, эл-юрт фаровонлиги тимсоли. Ўзининг танимоқ, ўзлигини англамоқ майдони.

Майдоннинг гўзал қиёфасига тикилиб тўймайман. Бу энди ростданам биз орзу қилган майдон. Ватанинг биз кутган бош майдони. Ҳар томон ям-яшил, гулистон. Гапнинг очигини айтадиган бўлсак, шу манзарани кўриб яшагинг, яшаганда ҳам боғ-роғлар яратиб, ҳақиқий инсонга хос орзу умидлар, гулу гулзорларга бурканинг, эзгу ишлар қилиб умр кечиргинг келади. “Эй, омон бўлгин, дунё тургунча тургин, ЎЗБЕКИСТОНИМ” деб юборасан...

Санжар ТУРСУНОВ

Сўздан сўзинг фарқи бор...

САНСКРИТЧАНИ БИЛАДИГАН “БАХШИ”

Бахши. Халқ кўшиқлари ва дostonларини ёддан куйловчи оқин маъносини аниқлашган “бахши” сўзи аслида тилимизга санскрит тилидан кириб келган. Изоҳли луғатда изоҳланишича, санскрит тилидаги “бхикшу” сўзи “будда донишманди” деган маънони билдирган. Кейинчалик бу сўз тилимизда “бахши” шаклида шаклланган. Ҳам шаклан, ҳам маънан тўлиқ ўзбек сўзига айланиб бўлган “бахши” сўзининг бошқа тилдан кириб келганлигини бировга айтсангиз ажабланида. Демак, сўзининг руҳи ҳам, шакли ҳам ўзи ўтган тилга тўлиқ мослашиб кетиши мумкин экан-да. Бу жараён, албатта, шу тил соҳиб бўлган миллатнинг ўша сўзни қандай қабул қилишига боғлиқ.

Дўмбирасиз бахши бўлмас, Ёмонсиз яхши бўмас.

(Мақол)

“ҒАЛАДОН”ДАГИ ҒАЛЛА

Ғаладон. Стол, жавонларнинг нарса солиб қўйиладиган тортмасини “ғаладон” деб атаймиз. Баъзан пул ёки майда буюмлар сақланадиган кутгани ҳам шу сўз билан ифода қилинган. Бу сўзнинг қандай пайдо бўлгани жуда қизиқ. Одатда “ғаладон” сўзини тез-тез ишлатамиз-у, лекин унинг туб маъносига эътибор қилмаймиз.

“Ғаладон” сўзининг туб илдизи аслида “ғалла идиши”, “дон сақланадиган жой” деган маъноларни аниқлашган (“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”).

“ШАҒАЛ”ДАН “ШАҚАР” ҚИЛИБ

Шакар. Бу сўзнинг қандай маънони аниқлашгани яхши биламиз. “Шакар” сўзи тилимизда кўча маъноларида ҳам, рамз маъносидида ҳам кўп қўлланади. Бу сўз иштирокида қанча мақоллар хикматли сўзлар бор. “Шакар” сўзининг ҳам туб илдизи жуда қизиқ мазмунга эга. Қадимги ҳинд тилида “shakkhara” деган сўз бўлган ва бу сўз дастлаб “шағал”, “қум” деган маънони аниқлаб, кейинчалик “қанд уни” мазмунини ифодалаган.

Тополмайин юрур ёрнинг ўзини, Тўтиё қилади шакар сўзини.

(“Ширин билан Шакар” достонидан.)

Ширин сўз шакардан ширин.

(Мақол)

“ЎДАҒА”НИНГ ЎДАҒАЙЛАГАНИ

Ўдага. Бу сўзга халқ озаки ижоди намуналарида дуч келамиз. Адабиёт-шуноҳ Тўра Нафасовнинг таъкидлашича, “ўдага” сўзи қадимда “бошлиқ”, “сардор” деган маъноларни аниқлашган ва ҳозир ҳам мамлакатимизнинг жанубий худудларида бу сўз шу маънода ишлатилади. Эҳтимол, “ўдагайламок” деган феъл ҳам шу сўздан келиб чиққан деган. Эҳтимол, “ўдагайламок” феълнинг таркибида “дўғ” (“дўк”) сўзи ҳам иштирок этаётган бўлиши мумкин. Чунки “ўдагайлаш” маъно жиҳатдан “дўқлаш”га жуда яқин келади.

Алла, жоним, ўдага, Ўзим бўлай садага.

(Халқ кўшиқларидан.)

“ЧИГИТ” ВА “ЧИҒИРИҚ”

Чигит. Бу сўз пахта уруғи маъносини аниқлашгани яхши биламиз. Хўш, “чигит” сўзининг туб илдизи қандай мазмунга эга? “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, қадимги тилимизда “боғла” маъносини билдирган “чиг” деган феъл бўлган. Шу феълга “-ит” қўшимчаси қўшилиб, “чигит” сўзи ҳосил қилинган. “Чигит” сўзи “толаларни ўзига боғлаб турувчи” деган маънони аниқлатади. Демак, “чигит” ва “чигирик” сўзлари бечорга уйқаш эмас.

ДАЛДА

Далда. Тилимизда руҳни кўтарувчи, дадиллик бахш этувчи, маънавий ёрдам маъносидида ишлатиладиган “далда” сўзи асли қадимда “шамол ва ёмғирдан ҳимояланган жой” деган маънони аниқлашган экан. Бировга далда бўлаётган одам ҳам уни намадандир — эҳтимол шамол ё ёмғирдан ё хавфу хатардан ҳимоя қилаётган бўлади. Ҳеч бир сўз ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. Шунинг учун бу сўзнинг “пана бўлмоқ” деган мазмуни ҳам бор. “Далда”нинг туб илдизи “дал” — “елка” ёхуд “орқа тараф” деган маънога эга бўлган.

Эшқобил ШУКУР

ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ТИМСОЛИ

монументи, деб ном берилган бу икки меъморий мажмуа ўзида халқимизга бахш этадиган яна бир ажойиб обида — Эзгулик аркаси бунёд этилди. Арка ўн олтига оқ мрамрдан ишланган устундан иборат. Ушбу муаззам ва гўзал мажмуа бу ерга ташриф буюрган ҳар қандай кишини ҳайратга солиши табиий. Арканинг устки қисми марказий устунидида Ер шари узра кўкка интиладиган турналар тимсоли акс эттирилган. Сарбаланд ва бақувват устунлар мустақиллигимизнинг мустаҳкам пойдеворини аниқлатади. Арка узра парвоз қилаётган турналар эса

Бугун умумхалқ байрамларида, давлат миқёсидаги бошқа тантанали маросимларда Мустақиллик ва Эзгулик монументи, “Мотамсаро она” ҳайкали пойга гул қўйиш тоза анъанага айланган. Келин-кўвёллар янги ҳаётга қадам қўйишдан олдин яхши ният билан ушбу муқаддас маскани зиёрат қилишади. Уста ҳайкалтарошлар Азамат Тўхтаев, Илҳом Жабборов, Рустам Ерметов каби моҳир меъморларнинг меҳнати натижасида пайдо бўлган “Мустақиллик ва эзгулик монументи” “Эзгулик аркаси” мустақиллигининг асл моҳиятини, одамларимизнинг эзгу ўйларини ўзида тараннум этган.

Бутун майдон бахтли одамлар, сайёҳлар билан гавжум. Шу бахтлиларнинг сафиди борлигим, улар билан бир осмон остида яшаётганимдан беихтиёр қалбим ғурурга тўлади.

лари эгилган. Албатта, буни атай қилишмаган ёки суратчининг ҳаёли ҳам эмас. Шунчаки, ўша даврнинг қиёфасини очиб берган суратда тарих намояни. Суратга тикилиб турган чоғида ёнгинамдан кимингдир: — Олдинги ҳолати... — дея гапирганини эшитдим. Олдинда оппоқ соқолини силаб ҳаёлга толиб турган отахонни кўрдим. Отаҳон нимандир эслади, шекилли, бўш ўриндиқ томон юрди. Унинг қошига бордим. Гапимиз ўз-ўзидан қовуша қолди.

— Бу ерда олдинлари 1 ва 9 майдо ҳарбий парад бўларди. Мана шу кенглик танк, ҳарбий машиналарга тўлиб кетарди. Аскарларнинг қадами зарбидан ер силкинарди. Бир марта келганман. Ҳа, аниқ эсимда. Ўшанда кичик ўғлим билан келгандим. Ҳар томонда ногора садоси. Бечора ўғлим дир-дир титрайди.

ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Одоб-ахлоқ, ҳақият, уят, андиша жамият ҳаётини бебаб турган бебаҳо фазилатлардир. Онгу шууримизда одамлар нима деркин, деган истиқолатнинг шаклланиши ҳам уят ва андишанинг қадри юксаклигини бидиради. Ингирма ёшида бева қолган Зулайҳо момо бўларди. Мен бу аёлни мулоҳимлигим, ширинсуханлиги учун жуда яхши кўрардим. Йўқлаб борсам, доимо кўшиқ киргойи қилганча кашта тикаётган, урчук йнгираётган ёки экинларни ўтоқ қилаётган бўларди. Унинг ҳеч қачон кўз ёш қилганини кўрмаганман.

“Момо, сиз ҳам ҳеч бир йнглайсизми?”, деган саволимга: “Ҳа, болама, мен кўз ёш қилсам, одамлар фалончи бевалиқдан қийналиб кетибди”, деб ўйламайдиларми, деганди. Одамлар олдидаги андиша туйғули момо бошқа турмуш қилиш ҳақида ўйлаш у ёқда турсин, ҳатто йнғай ҳам олмаганди. Балки ичида йнғиландир, эзилгандир, бироқ буни бошқаларга сездирмаганди. Демак, айнан шундай миллий туйғуларимиз туйғули қадрият ва анъаналаримизнинг йнғиллаб яшаб келаётгандир.

Одамлар нима дейди? Ахир, ҳеч ким ҳеч кимни назорат қилмас, эл-улус, маҳалла-қўй, одамлардан қилган хато ёки ютуқларимиз ҳақида бирор кишига ҳисоб бермасак, уйлмасак, одамлар нима деркин, дея истиқола қилмасак, унда одоб-ахлоқ мезонларига путур етмайми?

Оилада саккиз фарзанд эдик. Гоҳида нимадир сабаб, болалик қилибми, бир-биримиз билан таллашиб қолсак, онам дарров “Овозларинг чиқмасин, одамлар нима дейди?”, дердилар. Биз учун ана шу “Одамлар нима дейди?”нинг “юки” оғир эди. Дарҳол тинчланардик. Одамлар, яъни кўни-кўшилар, ҳовлимиз ёнидаги йўлдан ўтаётган йўловчилар олдида уятга қолгандек хижолат бўлардик. Ўйлаб қарасам, онаизоримнинг ана шу бир оғиз “Одамлар нима дейди?” дея айтган мулоҳазаси катта бир хонадонда андишали фарзандлар улғайишига сабаб бўлган экан.

Яқинда бозорда бир воқеага гувоҳ бўлдим. 4-5 ёшлардаги болакай резина шиппакни ушлаб олиб, “Шуни оберинг, шуни оберинг” деб, ота-онасига хархаша қиларди. Улар: “Бу резина,

соғлигинга зарарли, бошқасини, бундан зўри-ни оламиз”, дейишса ҳам ҳеч кўнмасди. Шунда ёш онанинг жаҳли чиқди: “Хе, уругинга тортмай ўл, уругинг паст-да, шунинг учун сен жувонмарг ҳар қадамда пастлик қилсан...” У бу гапларни бор овозда, шангилаб айтarkan, боланинг юзига тарсаки ҳам тортиди. Шу толда кекса онахонлардан бири: “Болам, бозорни бошингизга кўтариб бақирганингиз учун одамлар сизларга қараяпти. Ахир, болани одамлар олдида изза қилиш, унинг отасини ҳақорат қилиш яхши эмас. Қаранг, барчанинг кўзи сизда”, деди. Аёлнинг юзи қизариб кетди. Боласининг қўлидан тортиқлаганча, одамлардан узоклашди.

Туғишган опаларим каби кўнглимга яқин қайинопам бор эди. Фирқалари мағизли, ибратли, вақим ва боқиқ бу аёл билан сўхбатлашганда ҳузур қилардим. У ҳаётда кўп қийинчилик кўрди, ичкиликка ружу қўйган турмуш ўртосининг ёмонини дейириб яшади. Алдеқ эри тирик туриб, уч фарзандини яккақўл ҳолда, бировдан кам қилмай улғайтирди, икки ўғлини ўзи югуриб-елиб, толиб-тўтиб уйлантирди. Унинг ота уйига бирон марта рўзгор етишмовчилигидан зорланми келганини билмайман, эрининг маст ҳолда кўрсатган “томошалари”дан ҳам ҳеч қачон нолимасди. Юракдан қилган сўхбатларимизнинг бирида “Ажрасам бўлади, лекин одамлар нима дейди, эртага ўғилларим учун бировнинг эшигига келин сўраб бораман, қизимга кимдир хари-дор бўлади, отаси йўқ экан, деб ўйламайми?”

Ўзбекиюм аброти

Эл-юрт олдида фарзандларимнинг бўйни эгик бўлмаслиги учун ҳам ажрашмайман, охири инсофга келар”, деганди у. Йўқ, ноинсоф эр инсофга келмади. Бечора қайинопам эса турмуш ташвишлари ҳоритдимми, асаббузарликлар оқибатида миғир ҳасталикка учраб оламдан ўтди. Унинг маъракасига “ер ёрилиб, одам чиқди”, йнғилганлар ҳовлига сиймай кетди. Кимга қараманг, кўзида ёш, “Жуда яхши аёл эди, беозор, бебаҳо инсон эди”, дея пичирларди. Улар буни шунчаки, ўтганлар номига ёмон гап қилиш ноҳиоси эканлиги учун эмас, юракдан айтишарди. Назаримда бу сабр-қаноатнинг, ориятнинг ҳар недан устунлиги исботи эди...

Зулайҳо момо яқинда оламдан ўтди. Момонинг кўз қорачиғидай ҳеч кимга кўрсатмай сақлаган бор бисоти тиккан кашталарни рўмолчалари экан. Ҳар бир каштада улғу шоирларимизнинг байтлари бор: “Сайдинг кўябер сайёда, сайёра экан мендек, Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек...” ёки “Эй Навоий, бода бирлан хуррам эт кўнгили уйин, Не учунки бода келган уйга қайғу келмади...”. Ёддан билган рубобий ғазалларини-да овоз чиқариб бировга айтолмаган, “Ерини соғинибди, бечора”, деган гап-сўзлардан истиқола қилган Зулайҳо момо бир умрлик армонини, орзуларини, соғиничини кашталардаги нақшлар қатига яширгандек эди, гўё.

Ана шундай ҳаё ва андишани ҳар недан устун қўйган момолари, оналари бор ватанимизнинг нафақат қизлари, балки йнғитлари-да ориятли ва гурурли бўлиб воёга етишига шубҳа қилмасак бўлади. Шунинг учун фарзандларимиз қалбига гўдақлигидан “Одамлар нима дейди?” деган андиша сингдирилса, баъзида учраб турадиган ноҳиос ҳолатларининг олди олинамиди?

Ана, қизингиз атрофдагилардан истиқола қилмай бор овозда хархаша қилаяпти, келинингиз ўғлингиз билан сен-менга бораёпти, бозорда савдо қилаётган опа-сингилларимиз ҳаммага эшиттириб харидорга қўпол муомала қилмоқда... Тўхтанг, ҳей тўхтанг, ахир, ахир одамлар нима дейди?..

Холбиби САҒАРОВА

Бошланиши биринчи саҳифада.

“Зарбулмасал” масал келтириб бирор воқеани сўзлаш маъносидида тушуниладиган. Қадимда муайян халқ мақоллари ва маталларидан иборат бўлган асар ҳам “зарбулмасал” деб юритилган. Форс шоири Зоқоний яратган “Зарбулмасал”да икки юзга яқин мақол ва маталлар жамланган. Мақол ва маталларнинг бир тилдан иккинчи тилга қилинган таржимасидан иборат луғат тури ҳам “Зарбулмасал” номи билан юритилган. Бундай луғатлар “Зуруби амсол” номи остида турк тили манбалари орасида ҳам учрайди. Таказоданинг “Зуруби амсоли туркия”, Али Маждийнинг “Зуруби амсол ва истилоҳот”, Иброҳим Шиносийнинг “Зуруби амсоли усмоний”си луғат типидида асарлар ҳисобланади.

Ўзбек адабиётида “Зарбулмасал” номи тўртта асар мавжуд. Масал типидидаги асар — “Зарбулмасал”лар намунаси ўзбек шоирлари Мухаммадшариф Гулҳаний (XVIII — XIX асрлар), Нозим Ҳўжаандий (1788 — 1876), Сулаймонкул Рожий (1871 — 1924), Сидқий Хондайлиқий (1884 — 1934) ижодий меросида мавжуд. Шоирлар ўз

дидактик қарашларини, давр ижтимоий масалларига муносабатларини ифодалашда турли шакл ва воситаларни қўлланганлар. Гулҳанийнинг “Зарбулмасал”ида қушлар, паррандалар антропоморфизациялаштирилган, яъни қушларга инсон хусусиятлари кўчирилган. Гулҳаний асари ҳам шеърый, ҳам насрий тузилмишга эга бўлиб, тўрт юздан ортиқ мақол ва маталлардан, масаллардан иборат. Рожий Ҳўжаандий эса “Зарбулмасал”ини маснавий шаклида яратган. Сидқий Хондайлиқий асари оригинал шаклда битилган, яъни савол-жавобга асосланган. Ушбу асарнинг мавзу қўлами кенг бўлиб, жамиятнинг турли соҳаларига оид масалларни қамраб олади. Оила, илм-маърифат, инсоний туйғулар, фазилат ва нуқсонлар, бурч ва масъулият қабилад ҳақида сўз юритади. Асардаги савол-жавобларнинг айримлари ўз маъносидида, бошқаси кўчамаънода келади. Масалан: “Савол: — Ҳар бир элнинг тараққийси нима бирла бўлур? Жавоб: — Ўзига хос урф (одат), тил, тарих бирла”. Демак, мажоздан ташқари ҳикматга йўғрилган жумлалар ҳам масал деб аталганини кузатиш мумкин.

Худди ўзбек адабиётидаги сингари рус ва бошқа фарб халқлари адабиётида ҳам “басня”, “притча” жанри фақат бир маънода — тор маънода тушуниладиган. “Притча” сўзи “приткнуть”, “притачать” феълларидан олинган бўлиб, луғавий маъноси “қадам”, “жойлаштирмак”ни билдиради. Ундаги воқеалар далил келтириш мақсадида баён қилинган. Ёхуд “басня” сўзининг маъноси “баят” эканини ҳисобга олсак, бунда кўнгила ёқувчи, овулчи учун айрилган турфа тўқима ривоятлар назарда тутилган. Притча қадимий жанр бўлиб, диний мазмундаги притчалар ҳам кўп маънолилик хусусиятига эга. Қадимги яҳудий тилидаги “масал” сўзи диний асарлар матнида келганда рус тилига “притча” шаклида ўгирилади. “Сулаймон ривоятлари” китобида Сулаймон подшоҳнинг пандлари, шунингдек, пайгамбарларнинг насиҳатлари, Исо пайгамбар ривоятлари ҳам масал деб аталган. Сулаймон ривоятлари маънавий-ахлоқий ёки фалсафий насиҳатомуз, ибратли мазмунга эга бўлиб, халқ маталларига хос мажозий мазмун ифодаламайди. Рус ва бошқа европа адаби-

ётидаги “притча”нинг бирдан ортиқ маънода қўлланилишини кузатиш мумкин. Фольклор учун аҳамиятли бўлган “притча” сўзи рус диний ривоятларида “ходиса” маъносидида ҳам тушунилади. Дидактик мазмунга оид ҳар қандай асар қадимги ва ўрта асрлар рус адабиётида притча деб юритилган. Ёки “притча во всех языках” жумласи “овоза бўлмоқ”, “ҳамма ёққа дув-дув гап бўлмоқ” бирикма-

шеърый шаклда берилган. Кўча маънога эмас, панднасихат мазмунини ифодалаган асарларнинг бари масал деб юритилганининг гувоҳи бўламиз. “Адабиётшунослик луғати”да (“Академичнаш” нашриёти, 2010) масалдаги аллегорик образлар универсаллик касб этиши, масалнинг қадимдан оммаллашиб, унинг инсонлар учун амалий аҳамиятга эга бўлгани, қадимги ёзма манбаларда ма-

ўтиши билан трансформацияга учраб, ривоят қисми қисқариб чиқиб, ихчам шаклга келган. Ай-тиш мумкинки, масалнинг сўнги хотима қисмидаги насиҳат, ўғит, ибрат мазмуни ифодаланган жумлагина қолган. Демак, мақол ва масалнинг илдизлари битта асосга боғланади. Қадимий жанрлар генезисини кузатишда уларнинг бир-бирига ўтмиш ҳолати намоян бўлади. Масалан, маруфларда барчага маълум ҳақиқат умумлашма тарзда берилади: “Нима эксанг, шуни ўрасан” каби. Дастлаб бу мақол муайян ҳаётий воқеа натижасида пайдо бўлган. Кейинчалик у кўчамаънода қўлланадиган бўлган ва умумлашма маъно касб этган. Масал тилидаги асарларнинг муштарак жиҳатларини куйидагича кўрсатиш мумкин: 1.Функционал тарафи. 2.Универсаллик. 3.Умумлаштириш мазмунининг етакчилиги. 4.Ҳажмининг қисқалиги. Мақол, ривоят, ҳикоят ва бошқа кичик жанрларда машҳур ҳаётий воқеа натижасида пайдо бўлган. Кейинчалик у кўчамаънода қўлланадиган бўлган ва умумлашма маъно касб этган. Масал тилидаги асарларнинг муштарак жиҳатларини куйидагича кўрсатиш мумкин: 1.Функционал тарафи. 2.Универсаллик. 3.Умумлаштириш мазмунининг етакчилиги. 4.Ҳажмининг қисқалиги. Мақол, ривоят, ҳикоят ва бошқа кичик жанрларда машҳур ҳаётий воқеа натижасида пайдо бўлган. Кейинчалик у кўчамаънода қўлланадиган бўлган ва умумлашма маъно касб этган. Масал тилидаги асарларнинг муштарак жиҳатларини куйидагича кўрсатиш мумкин: 1.Функционал тарафи. 2.Универсаллик. 3.Умумлаштириш мазмунининг етакчилиги. 4.Ҳажмининг қисқалиги. Мақол, ривоят, ҳикоят ва бошқа кичик жанрларда машҳур ҳаётий воқеа натижасида пайдо бўлган. Кейинчалик у кўчамаънода қўлланадиган бўлган ва умумлашма маъно касб этган. Масал тилидаги асарларнинг муштарак жиҳатларини куйидагича кўрсатиш мумкин: 1.Функционал тарафи. 2.Универсаллик. 3.Умумлаштириш мазмунининг етакчилиги. 4.Ҳажмининг қисқалиги. Мақол, ривоят, ҳикоят ва бошқа кичик жанрларда машҳур ҳаётий воқеа натижасида пайдо бўлган. Кейинчалик у кўчамаънода қўлланадиган бўлган ва умумлашма маъно касб этган. Масал тилидаги асарларнинг муштарак жиҳатларини куйидагича кўрсатиш мумкин: 1.Функционал тарафи. 2.Универсаллик. 3.Умумлаштириш мазмунининг етакчилиги. 4.Ҳажмининг қисқалиги. Мақол, ривоят, ҳикоят ва бошқа кичик жанрларда машҳур ҳаётий воқеа натижасида пайдо бўлган. Кейинчалик у кўчамаънода қўлланадиган бўлган ва умумлашма маъно касб этган. Масал тилидаги асарларнинг муштарак жиҳатларини куйидагича кўрсатиш мумкин: 1.Функционал тарафи. 2.Универсаллик. 3.Умумлаштириш мазмунининг етакчилиги. 4.Ҳажмининг қисқалиги. Мақол, ривоят, ҳикоят ва бошқа кичик жанрларда машҳур ҳаётий воқеа натижасида пайдо бўлган. Кейинчалик у кўчамаънода қўлланадиган бўлган ва умумлашма маъно касб этган. Масал тилидаги асарларнинг муштарак жиҳатларини куйидагича кўрсатиш мумкин: 1.Функционал тарафи. 2.Универсаллик. 3.Умумлаштириш мазмунининг етакчилиги. 4.Ҳажмининг қисқалиги. Мақол, ривоят, ҳикоят ва бошқа кичик жанрларда машҳур ҳаётий воқеа натижасида пайдо бўлган. Кейинчалик у кўчамаънода қўлланадиган бўлган ва умумлашма маъно касб этган. Масал тилидаги асарларнинг муштарак жиҳатларини куйидагича кўрсатиш мумкин: 1.Функционал тарафи. 2.Универсаллик. 3.Умумлаштириш мазмунининг етакчилиги. 4.Ҳажмининг қисқалиги. Мақол, ривоят, ҳикоят ва бошқа кичик жанрларда машҳур ҳаётий воқеа натижасида пайдо бўлган. Кейинчалик у кўчамаънода қўлланадиган бўлган ва умумлашма маъно касб этган. Масал тилидаги асарларнинг муштарак жиҳатларини куйидагича кўрсатиш мумкин: 1.Функционал тарафи. 2.Универсаллик. 3.Умумлаштириш мазмунининг етакчилиги. 4.Ҳажмининг қисқалиги. Мақол, ривоят, ҳикоят ва бошқа кичик жанрларда машҳур ҳаётий воқеа натижасида пайдо бўлган. Кейинчалик у кўчамаънода қўлланадиган бўлган ва умумлашма маъно касб этган. Масал тилидаги асарларнинг муштарак жиҳатларини куйидагича кўрсатиш мумкин: 1.Функционал тарафи. 2.Универсаллик. 3.Умумлаштириш мазмунининг етакчилиги. 4.Ҳажмининг қисқалиги. Мақол, ривоят, ҳикоят ва бошқа кичик жанрларда машҳур ҳаётий воқеа натижасида пайдо бўлган. Кейинчалик у кўчамаънода қўлланадиган бўлган ва умумлашма маъно касб этган. Масал тилидаги асарларнинг муштарак жиҳатларини куйидагича кўрсатиш мумкин: 1.Функционал тарафи. 2.Универсаллик. 3.Умумлаштириш мазмунининг етакчилиги. 4.Ҳажмининг қисқалиги. Мақол, ривоят, ҳикоят ва бошқа кичик жанрларда машҳур ҳаётий воқеа натижасида пайдо бўлган. Кейинчалик у кўчамаънода қўлланадиган бўлган ва умумлашма маъно касб этган. Масал тилидаги асарларнинг муштарак жиҳатларини куйидагича кўрсатиш мумкин: 1.Функционал тарафи. 2.Универсаллик. 3.Умумлаштириш мазмунининг етакчилиги. 4.Ҳажмининг қисқалиги. Мақол, ривоят, ҳикоят ва бошқа кичик жанрларда машҳур ҳаётий воқеа натижасида пайдо бўлган. Кейинчалик у кўчамаънода қўлланадиган бўлган ва умумлашма маъно касб этган. Масал тилидаги асарларнинг муштарак жиҳатларини куйидагича кўрсатиш мумкин: 1.Функционал тарафи. 2.Универсаллик. 3.Умумлаштириш мазмунининг етакчилиги. 4.Ҳажмининг қисқалиги. Мақол, ривоят, ҳикоят ва бошқа кичик жанрларда машҳур ҳаётий воқеа натижасида пайдо бўлган. Кейинчалик у кўчамаънода қўлланадиган бўлган ва умумлашма маъно касб этган. Масал тилида

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида улуғ адиблар — Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўрни алоҳида. Ўзбек давлатчилиги тарихида эса, икки жаҳонгир — Соҳибқирон Амир Темура ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур жаҳонга танилган буюк сиймолардир.

Навоийшунослик олимларимизнинг ҳамиша диққат марказида бўлиб келди ва бу соҳанинг йирик мутахассислари 20-асрнинг олтинчи-етмишинчи йилларидаёқ етишиб чиқдилар. Аммо бобуршуносликка нис-



Гарвард (АҚШ) университетидеги учрашув: Зокиржон Машрабов ва Улиер Текстон.

батан бу гапни айтиш қийин. Бунинг асосий сабаби — ҳукмрон мафкура-нинг Бобур шахсига ноҳолис, аниқроғи, нотўғри муносабати эди.

80-йилларда Бобур ва унинг ижодига яна тазйиқлар бошланди. Андижон шаҳар ижроия қўмитаси раиси Зокиржон Машрабов адиб шахси ва ижодига меҳри боис Бобурга бронза ҳайкали қўйдиришда ташаббускорлик кўрсатгани учун вази-фасидан четлаштирилди. Собиқ Марказком тазйиқи билан Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунар» (Бобур) романи асоссиз равишда кескин танқидга учради.

Орадан ўн йил ўтиб, Истиқлол тантана қилгач, Зокиржон Машрабов Андижонда Халқаро Бобур жамоат фондини тасвис этиб, ўз фаолияти-ни бошлаб юборди.

Андижон шаҳрининг Боғи Шамол мавзеидаги Бобур боғини фонд ўз тасарруфига олиб, уни ҳар жиҳатдан обод этишга киришди. Бугунги кунда Бобур боғи нафақат Андижон халқига, балки бутун Ўзбекистонга кўз-кўз қиладиган, меҳнатқашларнинг яйраб маданий ҳордиқ чиқарадиган масканига айланди.

Боғдаги маънавий-маърифий ташвиқот марказларидан «Бобур ва жаҳон маданияти», «Андижон шаҳар-созик маданияти» музейлари, улуғ ватандошимизнинг рамзий қабр-мақбараси, астрономик обсерватория ушбу ашйлик уммонда алоҳида кўзга ташланиб туради.

Айниқса, улкан ҳаворанг гумбазли бино — «Бобур ва жаҳон маданияти» музейининг ўзи айриқча бир олам. Ушбу улкан маърифий хазинадаги 400 дан ортик бири-бирдан нодир китоблар сафарлар давомида кўлга киритилган ёдгорликлардир. Улар: Бобурий хати билан битилган Курьони карим нусхаси (Машҳад шаҳрининг Ризавия зибратгоҳи «Курьон» музейидан олинган), Тохрон шаҳри Гулистон давлат кутубхонасида сақланаётган «Бобур

қуллиёти» нусхаси, «Бобурнома»нинг Хайдаробод (Ҳиндистон) шаҳрида Саларжанг музейидаги мўтабар турки нусхаси, Абдулрахим Хониҳон форсийга ўғирган «Бобурнома», «Бобурнома»нинг Н.Н.Ильминский Қозонда нашр этган нусхаси (1857), ичмач ва муфассал ҳолда тўққиз мартаба инглиз тилига ўғирилган «Бобурнома» нусхалари, Жон Лейден, Уилям Эрскин, Аннета Сюзанна Бевериж ҳамда Уиелер Текстон таржималарининг турли нашрлари, «Бобурнома»нинг сўнгги мартаба дарий тилига қилинган таржимаси (Шафиқа Ёркин, Кобул, 2007), ушбу олиманинг «Девони Бобур подшоҳ» асарининг турли номларда нашр этирилган китоблари, Комас хоним таржимасида испан тили-

БОБУРШУНОСЛИКДАГИ ЯНГИ ЮТУҚЛАР

даги «Бобурнома», Маҳда Махлуф хоним араб тилига ўғирган «Бобурнома», Рашид Раҳматий Арат турк тилига таржима қилган «Бобурнома», Билал Южел тузган Бобур «Девони» илмий танқидий матни, Коргарнинг «Темурийлар» (Темурийлар) тадқиқоти, машҳур япон олими Эйжи Манонинг тўрт йирек китоби: 1.«Бобурнома»нинг илмий танқидий матни; 2.«Бобурнома»нинг сўзлик кўрсаткичи; 3.«Бобурнома»нинг япон тилига таржимаси; 4.«Бобур ва унинг даври» номли япон тилидаги тадқиқоти. «Бобурнома»нинг хитой, ҳинд, инглиз, форс, француз, немис, уйғур, урду, қозок, рус, озарбайжон ва бошқа халқлар тилларига таржима нусхаларининг турли йиллардаги нашрлари...

«Бобур ва жаҳон маданияти» музейидаги ўтиб, баёбах хазина Зокиржон Машрабов бошлиқ Бобур халқаро илмий экспедициясининг 20 мартаба жаҳоннинг турли мамлакатларида уюштирилган сафарлари самараларидир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 2008 йилги таваллуд кун тантаналарида бирида — Андижон вилоят театри минбаридан Абдулла Рипов ушбу хазинанинг яратиш жараёни ни образли қилиб шундай ёфодалаган эди: — Зокиржон Машрабов гўё темирқанот қалдирич. У қўллараро ҳар йили парвозлар қилиб, чет элларнинг турли шаҳарларидан тумшугида бир неча инжуларни олиб ватанига қайтиб келади. Бу инжулар — китоблардир.

Бобур фонди раёсати розилиги ва Зокиржон Машрабов ташкилотчилигида бу китобларнинг таржимасига буюртмалар берилди ва нашрга ҳоимийлик қилинади.

Кейинги уч-тўрт йилги шундай ишлар самараси туфайли Венадан олиб келинган Вюртленнинг «Бобур — йўлбарс» асари «Андижон шахзодаси» номлида Эгамова Янглиш томонидан немис тилидан ўғиррилиб, «Ўқитувчи» нашриётида 2011 йили кирил ёзувида, 2012 йили лотин ёзувида нашр этилди. Шу таржимани,

қаламида Муҳаммад Хайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий» асари «Шарқ» нашриётида 2010 йили чоп қилинди. Бу асар Алишер Навоий ва Бобурга доир маълумотларга бойлиги билан қимматлидир. Айниқса, «Бобурнома»да акс этмаган тарихий воқеалар: Бобур томонидан учинчи мартаба Самарқанднинг олиниши ва Қўли Маликдаги шикаст топиш воқеалари, Ҳисор қалъасидаги ҳоинлик туфайли Бобур бошидан кечган тахликали ҳодисалар зикри гоят муҳимдир.

2012 йили Хондамирнинг кўпжилдли асари «Ҳабиб ус-сийра фи ахбори афроди башар» (Башар ахли сийратидан хабар берувчи дўст) китобининг бир қисми «Буюклик хислати» номида «Шарқ» нашриётида, 2013 йили эса «Ўзбекистон» нашриётида босмадан чиқди. Бу китоблар таржимаси ва нашри фонд зиммасида бўлди. Айниқса, кейинги китоб Бобур ҳаёти ва фаолиятининг ўша даври тўла-тўқис ёритилган асар сифатида қимматлидир.

Таъкидлаш жоизки, бобуршуносликда икки йўналишда иш олиб

борилди: аввало, бизнинг олимларимиз қўллари етавермайдиган мамлакат ва шаҳарлардан Темура ва темурийлар, Бобур ва бобурийлар асарлари, таржималари, улар ҳақидаги чет эл олимлари ва адиблари ёзган китоблар йиғилди ва бу иш давом этмоқда.

МУСТАҚИЛЛАК ВА МАЪНАВИЯТ

3.Машрабов фонд раҳбари сифатида Ўзбекистон ва жаҳон бобуршунослари бошларини қовуштириб, улар ижодини — тадқиқот йўналишларини бобуршуносликка бурди. Академик Азиз Қаюмов, профессорлар Саидбек Ҳасанов, Ҳасан Қудратиллаев, Ансориддин Иброҳимов, шунингдек, кўплаб таржимонлар, шоир ва адиблар фонд илмий фаолиятига жалб этилди. Чет эллик олимлар билан яқин алоқа ўрнатилди.

Бундай эзгу ҳаракатлар, шубҳасиз, ўз самараларини бера бошлади. Чунончи, ҳар йили Андижонда Бобур таваллудини илмий жамоатчилик билан нишонлаш анъанага айланди. Шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Муҳаммад Хайдар Мирзога бағишланган халқаро анжуманлар жаҳон олимлари билан ижодий ҳамкорликни янада кучайтириш имконини берди: Ҳиндистондан бобуршунос Мансура Хайдар, Туркиядан Танжу Сейҳан Хоним, Билал Южел, Афғонистондан Ҳалим ва Шафиқа Ёркинлар, Япониядан Эйжи Мано, Германиядан Клаус Шониг, Озарбайжондан Рамиз Аскер, Алмаз Улви, Қозғонистондан Ислоом Жеманей, Покистондан Фоиза Захро Мирзо, Венгриядан Пери Бенедек, Туркманистондан Раҳиммат Куренов, Эрондан Иброҳим Худоев, Қирғизистондан Асилбек Алиев сингари анжуманлар иштирокчилари фонд билан яқин алоқа боғлашди.

Халқаро Бобур жамоат фондининг кейинги ўн йилликда бобуршуносликка қўшган ҳиссаси ҳам салмоқлидир. Чунончи, Қамчибек Кенжанин беш китобдан иборат сафарнома-романлари, аввало, бобуршунослик,

қолаверса, адабиётимиз ютуғидир. Адиб Хайридин Султоннинг «Бобурийнома» сафарномаси ҳам маърифий роман сифатида жанр нуқтаи назардан ангилдик. Собиржон Шокаримов ва Зокиржон Машрабовнинг «Асарлари бўйлаб Бобур» асари ҳам шундай сафарномалар сирасидан.

Ўзбекистон халқ шоири Сирожи-дин Саййиднинг «Юз оҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур» тўплами, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низомнинг «Бобур» достони, Замиран Рўзиевнинг Бобурга бағишланган «Ташнадил» тўплами, Қобил Мирзонинг «Қаро Зулфинг» каби китоблари Бобур мадҳигина эмас, унга пайрав тарзида ҳам эътиборга молик нашрлар бўлди.

Бобур халқаро илмий экспедициясининг кейинги ўн йилдаги сафарлари илмий ангилдикларга бойлиги билан диққатга сазовордир. 2009 йилда уюштирилган Тожикистон ва Афғонистон сафариде машҳур Бобур тошбитигидан ташқари яна тўртта Мабур дастхати битилган тошбитикларни топишга муваффақ бўлинди.

2009 йилги Ҳиндистон сафари чоғида Кашмирнинг Сринагар шаҳридаги Мозори салотин(Султонлар мазори)дан Бобурнинг ҳолаваҷчаси Муҳаммад Хайдар мирзо қабри топилди. Унинг Кашмирдаги ўн бир йиллик фаолияти ўрганилди.

Фонд раёсати Бобур асарлари таржимаси ва таддилига ҳам алоҳида аҳамият қаратди: «Бобурнома» К.Муллахўжаева ва В.Раҳмонов томонидан ҳозирги ўзбек адабий тилига таддил этилди («Ўқитувчи», 2008, 2012); Михаил Салье таржимасидаги «Бобурнома» жиддий таҳрирдан кейин чоп этилди («Шарқ» 2008).

Ҳ.Сатимов С. Бергнинг «Ақбар — бобурийларнинг буюғи» («Мумтоз сўз», 2009), Виллям Рашбрукнинг «ХVI аср бунёдкори» (Х.Сўфиева билан ҳамкорликда) асарларини таржима қилди («Шарқ», 2011). И.Бекжонов ва А.Ҳазратқулов машҳур тарихчи Гийёсиддин Муҳаммад Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сийра» тарихий асари таржимасининг икки нашрини амалга оширдилар. Исмаилов Муъжизийнинг «Таворихи муслиқон» («Мумтоз сўз», 2010) асари В.Раҳмонов таддилида нашр этилди.

Фонд ҳоимийлигида «Тарихи Рашидий»нинг қисқароқ 1996 йилги нашри мукамал ҳолга келтирилиб, ҳозир «Шарқ» нашриётида рус тилида босилмоқда. Бобуршунос олимларимиздан А.Қаюмов ва С.Ҳасановнинг «Бобур ижодиёти», А.Қаюмовнинг «Заҳириддин Муҳаммад Бобур», Комрон Мирзо «Девон»нинг илмий танқидий матни, Ҳ.Сатимовнинг «Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида Бобурийлар даври» (Ғафур Гулом номидаги нашриёт, 2008) монографияси, Ҳ.Болтабоев тартиб берган салмоқли илмий тўплам — «Хорижда Бобуршунослик» («Мумтоз сўз», 2008), С.Жалиловнинг «Бобур ҳақида йўлар» («Шарқ», 2006), «Бобур ва Юлий Цезарь» («Янги аср авлоди», 2001), Ҳ.Исҳоқовнинг «Бобурнома» учун қисқача лугат» (2008) китоблари шулар жумласидандир.

Фонд Бобур ва бобурийлар асарларини илмий ва оммавий нашрла-

Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг довруғини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади.


Ислоом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

рига ҳам муттасил ҳоимийлик қилиб келмоқда. Ана шундай эътибор туфайли профессор С.Ҳасанов 2002 йилда Эйжи Мано тўрт туркий (Ўзбек) ва уч форсий таржима асосида яратган «Бобурнома» илмий-танқидий матнини (Киото, 1996) Ўзбекистонда тақрор-тақрор босилган Порсо Шамсиев нашри билан қиёсан, асар матнини мукамаллаштириб нашрга тайёрлади («Мумтоз сўз», 2002).

Бобурнинг «Ғарибинг андижоний-дур» номли тўёна тўплами («Шарқ», 2008) ҳам Бобур фонди кўмағида нашр этилди. Ушбу девоннинг олдинги 1994, 1996 йилги лугатсиз ва 2007

сафари» кабиларини қайд этиш мумкин. Фонднинг бобуршунослик илмига қўшган ҳиссасининг ҳадди аълоси «Бобур энциклопедияси»нинг яратилиши бўлди, дейиш мумкин. Бу энциклопедияда бобуршуносликда қўлга киритилган илмий ютуқлар акс этган.

Зокиржон Машрабов кейинги ўн йилда Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти билан ҳамкорликда Андижон шаҳри ёшини аниқлаш учун археологик қазилма ишларига ҳам бош-қош бўлди. Топилган ашёвий далиллар Андижон шаҳрига 2500 йил муқаддам асос солинганини исботлади. Божқон Матбобоев ва Зоҳиджон Машрабовнинг «Қадимий ва ўрта асрларда Андижон» номли тадқиқотлари рус ва ўзбек тилларида нашр этилди («Шарқ», 2011).



Андижондаги «Бобур ва жаҳон маданвияти» музейи.


йилги («Сочининг савдоси тушди») сийрак лугатли нашрларидан фарқи шундаки, бу нашр ўқувчи, ўқитувчи, ҳофиз учун мўлжаллаб ҳар бир бетдаги эски умумтуркий, форсий, арабий сўзларга шу саҳифанинг ўзиде лугат берилган. «Ғарибинг андижонийдур» девони имкон қадар матн қусурларидан тазалангани билан ҳам олдинги нашрлардан фарқ қилиб туради.

Бобурга алоқадор бўлган китоблардан бири туркий тилда муслиқ тарихи ҳақида ҳозирча ягона хисобланган Исмаилов Муъжизийнинг «Таворихи муслиқон» асарининг Шинжон нашрини Зокиржон Машрабов 2007 йилда Хитойдан келтирган эди. Ушбу асар ҳам таддили, аслияти, фотонусхалари, кириш ва хотима сўзлар билан 2010 йили нашр этилди.

Фонд Халқаро экспедициясининг яна бир муҳим махсули бу энг кулай ва элга тез етиб борадиган бобуршунослик жабҳасидир. Сафарларда тасвирга туширилган кадрлардан 24 та видео ва ҳужжатли филм яратилиб, вилоятлар ва республика марказий телеканаллар орқали намойиш этилмоқда. Кейинги йилларда яратилиб, эл назарига тушган фонд ҳужжатли филмларидан «Амир Темура Соҳибқирон изидан», «Бобур тошбитиклари», «Кашмир

Халқаро Бобур жамоат фонди муттасил Ўзбекистон ва жаҳон бобуршунослари — олим, таржимон, нашрга тайёрловчи, ҳайкалтарош, адиб, шоир, актёр, ҳофизларни турли рағбатлантирувчи ва махсус — Халқаро Бобур мукофоти билан тақдирлаб келади. Хорижлик мутахассис ва таржимонлар Эйжи Мано (Япония), Уиелер Текстон (АҚШ), Клаус Шониг (Германия), Шафиқа Ёркин (Афғонистон), Рамиз Аскер (Озарбайжон), Ўзбекистонлик олим ва ижодкорлар Сабоҳат Азимжонова, Азиз Қаюмов, Саидбек Ҳасанов, Абдулла Азамов, Ҳасан Қудратиллаев, Янглиш Эгамова, Тўлан Низом, Қамчибек Кенжа, актёр Муҳаммадхон Абдуқундузов, ҳайкалтарош Рашид Сулаймонов ушбу фахрий мукофот соҳиб бўлганлар.

Маънавиятимизнинг чинакам фидойиларидан бири Зокиржон Машрабов ўзининг кутлуг саксон ёшида ҳам кўпларга ибрат бўлиб, маънавий хазинамизни бойитиш йўлида саховат, ҳиммат ва ҳавас қилғудек ғайрат кўрсатаётгани таҳсинга лойиқдир.



Ваҳоб РАҲМОНОВ, филология фанлари номзоди

ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

1987 йил номзодлик диссертациянинг мавзуси тасдиқланаётганда илмий кенгаш аъзоларига мавзунинг «XIX аср шоирлари ижодига Алишер Навоийнинг диний дунёқараш таъсири» деб номлангани ёқмагани, уни ғалз деб топишгани ва натижада «Алишер Навоий анъаналари» тарзида ўзгаририлгани кечагидек ёдимда. Ўшанда устозим академик Ботирхон Валихўжаев менга далда бериб, илмдан қўнглим совимаслигини тайинлаган.

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондига тез-тез борар, илоҳиётда оид қўлёзмаларга кетма-кет буюртма берад эдим. Бир кун қўлёзмалар фонди бошлиғи захматқаш шарқшунос олим Қўвомиддин Муниров мени хоналарига чорлаб, узоқ йиллардан бери ҳеч ким қўлига олмаган қўлёзмаларни ҳафсала билан ўрганаётганим сабабини сўради. Мен, ўша пайтларда илмга чанқоқ ёш йигит эмасманми, қуйиб-пишиб мумтоз адабиётимиз ва миллий, диний-илмий меросимиз юзакни ўрганилаётганим, асл манбалардаги ҳақиқатларни юзга чиқариш кераклиги ҳақида гапирга кетдим. Устоз мени эшитиб: «Ғалинг тўғри, бироқ сендан илгари ҳам шундай тадқиқотларга бел боғланганлар бўлган, аммо, бирор натижага эришиш учун имкон тополмаганлар. Қўй, бундай уринишларни, ўзинги абор қилиб қўясан», деб оғҳлантирди.

Устознинг гапларини тушундим. Ўша даврда халқимизнинг тарихи, маънавий меросини ўрганишга бўлган ҳар бир ҳаракат таъбиқ остига олинган, бу ишга қўл урган олимнинг йўлига тўсиқ қўйиларди. Ана вақт ич-ичимдан эзилиб юрдим...

1991 йили Президентимиз томонидан давлатимиз мустақиллиги эълон қилинган, мумтоз меросимиз, қўлуғ қадриятларимизни ўрганишга, тарғиб-ташвиқ этишга кенг йўл очилди. Бу имконият кўплар қатори менга ҳам қанот бағишлади. Айниқса, Юртбошимизнинг миллий-диний қадриятларимизни тиклаш, буюк аждодларимиз меросини юзга чиқаришга бағишланган қатор маърузаларидаги даъватлари ёш тадқиқотчиларга катта руҳий далда бўлди. Бундай чорловлардан биз катта ғайрат ва рағбат туйиб, иштиёқ билан яна қўлёзмаларни ўрганишга киришдик. Устозим академик Ботирхон Валихўжаевнинг маслаҳати билан буюк бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича изландим.

Бугун, мустақиллигимизнинг 22 йиллиги тантана қилинаётган кунларда орта назар ташлар эканман, истиқлол шарофати билан миллий-диний қадриятларимиз, маънавий меросимизни тиклаш йўлидаги давлатимиз раҳбарининг юксак эътибори ва ғамхўрлиги туфайли бизни ўтмишимиздан ажратиб қўйган 70 йиллик жарлик устига кўприк қуришга муваффақ бўлганимиздан қувонаман. Бунга юзлаб тадқиқотлар, монография

ва рисоалар далилдир. Қанчадан-қанча истеъдодли олимларимиз бу кунларни орзу қилиб ўтдилар. Яратганга шукрлар бўлсинки, Истиқлол берган имкониятлар, Юртбошимизнинг миллий қадриятларимизга беқийё муҳаббати туфайли биз олимлар, армонда кетган устозларимизнинг орзуларини амалга ошираёпмиз.

Бугунги кунда навоийшунослик соҳасида амалга оширилаётган ишлар, албатта, эътиборга молик. Бироқ олдимизда турган вазифалар ҳам залворли. Хусусан, улуғ шоир асарлари нашрида

Дип узҳори

йўл қўйилаётган матнга доир ҳатикларни бар-тароф этиш, умуман мумтоз адабиётимиз бўйича матншунослик масалаларини чуқур ўрганиш долзарб вазифалар сирасидандир.

Мен ўзимга берилган Давлат мукофоти Истиқлол йилларида улкан фидойилик билан миллий-маънавий меросимизни юзга чиқаришда жонбозлик кўрсатган барча адабиётшуносларимизга кўрсатилган алоҳида эҳтиром белгиси, деб биланман. Давлатимизнинг, шахсан Юртбошимизнинг илм аҳлига кўрсатаётган ғамхўрлиги, илм-фан ривожи учун мамлакатимизда яратилган шароитлар олимларнинг кунчига-куч ғайратига ғайрат қўшмоқда.

Зеро, юксак даражадаги эътибор, мукофот ишондорга илҳом бағишлайди. Ишончини оқлаш бизнинг бурчимиздир.



Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ, филология фанлари доктори, Давлат мукофоти совриндори

«Ёшлиқ» 2013 йил, 7-8-сонлар

Бугунги куннинг қайноқ нафасига, бунёдкорлик ишларининг қўламдорлигига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ёш ишодкор Отабек Сафаров «Ўзгараётган эл» номли публицистик мақоласида Деҳқонобод тумани қишлоқларида, бу қишлоқлар ахлининг онг-шуурида юз кўрсатаётган янгилаш ва туб ўзгаришларни, кишиларимизнинг янги руҳ ва янги мақсад-муддаолар билан яшаётганликларини қаламга олган.

Таникли адиб Носир Фозилов «Адабиёт ясалмайди, яратилади» мақоласида босиб ўтган умр йўлига бир назар ташлайди. Адабиётга, ижодга иштиёқли уйғонган болалик даври ҳақида сўз юритаркан, адиб шундай ёзади: «Болалар адабиёти — нозик адабиёт. Боланинг биринчи адабиёти — онасининг алласи. Қолаверса, содда, равон, қувнок, маъноли, ритмик шеърлар, халқ эртақлари, хикоялар, қиссалар бола учун жуда зарур. Болалар ёзувчилари ўз асарлари билан болаларни катта адабиётга бошловчи даргалардир».

Наср илҳосмандлари журналнинг ушбу сониде Холиёр Сафаровнинг «Қанотсиз кушлар» кассасини, Мопассаннинг «Тавба» хикоясини, дунё адабиётдаги энг қисқа хикояларни, Миршўла Мирзонинг «Армон» номли эссесини ўқийдилар. Шоирлардан Турсун Али, Фарҳод Арзиев, Зулфия Незмат, Зухра Очилова, Муҳаммад Исмоилнинг янги шеърлари ҳам ушбу сонда эълон қилинган.

Адабиётшунос ва мунаққидлар Муҳайё Исмоилова, Сурайё Каримова тадқиқотларида бугунги адабий жараёнда кечаётган ўзгаришлар, хусусан, ёшлар насри билан боғлиқ ютуқ ва камчиликлар, мумтоз адабиётимиз муаммолари, матншуносликда эришилаётган муваффақиятлар таҳлил этилган. Шунингдек, журналнинг ушбу сониде бошловчи қаламқашларнинг ижодий изланишлари, урф-одатлар тадқиқига бағишланган мақоалалар, «Елпигич» рукнида қизиқарли ҳажвия билан танишасиз.

«Ёшлиқ» 2013 йил, 7-8-сонлар

Журналларни варақлаганда

Гуландом ТОҒАЕВА

МЕН СЕНГА ФАРЗАНДМАН...



ТИЛАК

Бармоқларим бахтимни сизга ўлчаб бермасин, Берса, берсин кўзимда кўкда офтоб эттулик. Майли, Шириншиқдек холини юзим кўрмасин, Ойбарчиқдек қалб берсин, Алломиниша туттулик.

Ҳақдан тиланг, бахтимни сизга ўлчаб бермасин, Дуо қилинг, кўксини оғриқзорда иситгай. Кўлим гулга узалса, сочим белим чирмасин, Тилак айтнинг: аламини бахтим билан ўкситай.

Дунё, сенинг кўчанга йиғламоққа келмадим, Бир белорман, кечанга ухламоққа келмадим, Кўйларимни юлдуздан тиламадим, меники, Кўйлагимни сандиққа тахламоққа келмадим.

Бармоқларим, бахтимни сизга ўлчаб бермасин, Бўйи баланд умримни сизга ўлчаб берса ҳам. Чунки бургут қанчалар ер ноини эмасин, Осмонларнинг гиштида бошини ёриб ўлсакам...

УЧРАШУВ

Қирлар кездим. Ана, таниш ўнгуларим, Улоқ боқиб юрар эдим бир пайтлари. Яширишиб бори ютуқ-қуруларим, Солланади ёшлигимнинг дарахлари.

Мен чимлардан уй қурганда бузилган ин, Эсимдадир уни сувга беллаганим. Келдим бу кун ўшал дамлар уйсиз қолган Чумолдилар учун узр сўраганим.

Тилмоч эдим ариқларга, ялшизларга, Чучмоннинг кўзларини кўрар эдим. Ёмгир ёғса, у тоғларда овчи отган Кийикларнинг кўз ёши деб билар эдим.

Лолаларнинг касасида ушлаб ётган, Шўълаларнинг ортларидан қувар эдим. Сувга кетган онасини кутиб ётган Хонқизини қафтларимга юмар эдим.

Қирлар кездим. Ана, таниш ўнгуларим...

Юмшоқ гиламлар солиниб, мебеллар хусн берган шинамгина хонада Қадима ҳола Имом Бухорийнинг "Саҳиҳи Бухорий" китобини мутулаа қилиб ўтирарди.

Ногоҳ ташқаридан эшитилган "Эгачи, эгачи!" деган сас хаёлини бўлди. Китоб саҳифасини хатчўп билан белгилаб, тоқчага қўйди-да, "Лаббай!" деганча ташқарига йўналди. Чиқиб қараса, Оқибатхон — кўшини жуван.

— Келинг, Оқибатпошша, — очик чеҳра билан кутиб олди Қадимахон. — Эсонмисиз, уй ичларингиз билан тинчмисиз? Хаяллатиб қўймадимми, ишқилиб?

— Кўйсангиз-чи, Қадимабону! — деди Оқибатхон, алланечук сирли илжайди. — Ҳечам куттириб қўйганингиз йўқ-да, айланай! Илгари эди, алмисоқдан қолган пастак дарвозангизни увало тақиллатасан ҳам, ўтираберар эдингиз, чиқингиз келмай. Икболингиз қулиб, мана, Қўлтуғмуродхон ағнай деб турган қулбани қасрга айланттирдю, шабада тақиллатасан, қанот ёзиб учиб чиқасиз...

Ҳасадданми, хавасданми, хайтовур, яниб айтилган бу гаплар Қадимахонга айил ботди.

— Ажаб, Оқибатпошша... Сизга шундоқ туюлаётгандир, хойнаҳой. Бироз тикланган бўлсак, буюм Эгамнинг марҳамати-да... Элдан ошиб, қаёққа ҳам борардими? Вой, нима қилиб турибмиз-а, бу ерда ўзи? Юринг, ичкарига кирайлик.

Оқибатхонга бу каби тақаллуфлар ҳамшиша мойдек ёқиб тушди.

— Маъкул, маъкул, эгачи! — деди Оқибатхон, юзига мамнунлик ифодалари тошиб, — Ҳуб ажойиб янгиликлар бор!

Уйга киришди, ўртага дастурхон ёзилди. Меъзон аёл нон ушатди, пилёларга чой қуйди. Кейин манзират қилди:

— Қани, дастурхонга марҳамат, Оқибатпошша.

— Ташаккур, Қадимабону, — деди Оқибатхон, лаб-лунжини тўлдирганича. — Зап келингиз бор-да, айланай! Оёқ-кўли қаҳқонгина, пазанданича. Ох-оҳ, мураббисан — мураббо бўпти, ўзиям!

— Ош бўлсин, ош бўлсин, Оқибатпошша...

— Ух-х, кунни қаранг, ёнапти-я! Анув муздек ўрик кампўтдан босиб қўйинг, эгачи. Кейин, айтмоқчи, сиз бир гапдан бе-хабарсиз, чоғимда, қўшини? — савол котида дабдурдудан Оқибатхон, сирли иршайиб. — Агар суюнчи берсангиз, бир гап айтгай, бир гап айтгайки!.. Қўвончдан

бошингиз кўкка етади! — Қандай ушхабар экан? — сўради Қадимахон, юзларида таажуб акс этиб. — Шунчаликми, а? — Хумайраҳон бор эди-ку, бойвучча хоним, эсингиздами? — дея чап қўлининг кафтини оғзига тўсиқ қилиб шивирлади у, мезбонга яқин сурилиб. — Уша ўладиган касал бўқопти, билсангиз! Эри ва касофат ўли дастидан хонавайрон бўлган камлик қилгандек, энди кун битибди! Ул-а, дейман ичимда, сенга ҳам боққан бало бор экан-ку, оламда! Зап кўпчиликнинг кўнглидаги иш бўлди-ёв, ўзиям, вах!

Қадимахон ёқасини ушлаб қолди. Бир муддат шу аллоз анграйиб турди-да, чуқур хўрсиниб қўйди. Кейин ҳамон бир маъноли илжайиб турган Оқибатхонга совуқ нигоҳ қадади:

— Астафурилло, аввало, Хумайраҳонга худойим ўзи шифо берсин. Қолаверса, беморнинг оғир ахволидан хузур қилиш мусулмончиликда йўқ, Айниқса сиз... Худоеъ таваба!

— Гапирманг, гапирманг! — зарда қилди Оқибатхон, ўнг қўлини "келиб-келиб, сенга гапирдимми!" қабилида ҳавога сермаб. — Дўппингизни осмонга отасиз деб ўйласам, захрингиз учиб ўтирибди-я, аксинча, қўшини! Эсланг-чи, ўша кеккаймажон бойвучча хотин дилингизга қанчалар озор берган эди-яй! Нукул: "Ипириски, ипириски!" деди, хотинлар ошидан қувиб чиқарган эди! Сиз эса, мусулмончилик дейсиз, раҳмингиз келиб. Ҳатто, бир тиланчи ўрнида кўрмасди сизни! Тагин, Қўлтуғмуродхондан хазар қиларди, "гадойвачча!" деб... Бугун аси: сиз — бой хотин, у — гадойдан баттар! Ул-а дейман, туриб-туриб, бировнинг холига сен қулма зинҳор, сенинг ҳам холинга кулгувчилар бор!..

Қадимахоннинг баданини муздек шамол тешиб ўтгандек бўлди... "Ё Раб-бано, инсон ҳам шунчалар тубан бўладими, а?! — қалбан хитоб қилди у, недир ҳислар галаён қилиб. — Ахир, шу Оқибатхон эмасмиди, Хумайраҳоннинг соясига ҳар вақт қўрпача ёган? Ҳар қадамда етти бўкилиб, таъзим бажо қилиб юрган? Қанот-қуйруғига кирволиб, маҳалла-қўйда нуфуз орттирган? Энди эса, Хумайраҳон бор шудидан холинга муздек ўтгандек бўлди..."

Қадимахоннинг баданини муздек шамол тешиб ўтгандек бўлди... "Ё Раб-бано, инсон ҳам шунчалар тубан бўладими, а?! — қалбан хитоб қилди у, недир ҳислар галаён қилиб. — Ахир, шу Оқибатхон эмасмиди, Хумайраҳоннинг соясига ҳар вақт қўрпача ёган? Ҳар қадамда етти бўкилиб, таъзим бажо қилиб юрган? Қанот-қуйруғига кирволиб, маҳалла-қўйда нуфуз орттирган? Энди эса, Хумайраҳон бор шудидан холинга муздек ўтгандек бўлди..."

Қадимахоннинг баданини муздек шамол тешиб ўтгандек бўлди... "Ё Раб-бано, инсон ҳам шунчалар тубан бўладими, а?! — қалбан хитоб қилди у, недир ҳислар галаён қилиб. — Ахир, шу Оқибатхон эмасмиди, Хумайраҳоннинг соясига ҳар вақт қўрпача ёган? Ҳар қадамда етти бўкилиб, таъзим бажо қилиб юрган? Қанот-қуйруғига кирволиб, маҳалла-қўйда нуфуз орттирган? Энди эса, Хумайраҳон бор шудидан холинга муздек ўтгандек бўлди..."

Қадимахоннинг баданини муздек шамол тешиб ўтгандек бўлди... "Ё Раб-бано, инсон ҳам шунчалар тубан бўладими, а?! — қалбан хитоб қилди у, недир ҳислар галаён қилиб. — Ахир, шу Оқибатхон эмасмиди, Хумайраҳоннинг соясига ҳар вақт қўрпача ёган? Ҳар қадамда етти бўкилиб, таъзим бажо қилиб юрган? Қанот-қуйруғига кирволиб, маҳалла-қўйда нуфуз орттирган? Энди эса, Хумайраҳон бор шудидан холинга муздек ўтгандек бўлди..."

Қадимахоннинг баданини муздек шамол тешиб ўтгандек бўлди... "Ё Раб-бано, инсон ҳам шунчалар тубан бўладими, а?! — қалбан хитоб қилди у, недир ҳислар галаён қилиб. — Ахир, шу Оқибатхон эмасмиди, Хумайраҳоннинг соясига ҳар вақт қўрпача ёган? Ҳар қадамда етти бўкилиб, таъзим бажо қилиб юрган? Қанот-қуйруғига кирволиб, маҳалла-қўйда нуфуз орттирган? Энди эса, Хумайраҳон бор шудидан холинга муздек ўтгандек бўлди..."

Қадимахоннинг баданини муздек шамол тешиб ўтгандек бўлди... "Ё Раб-бано, инсон ҳам шунчалар тубан бўладими, а?! — қалбан хитоб қилди у, недир ҳислар галаён қилиб. — Ахир, шу Оқибатхон эмасмиди, Хумайраҳоннинг соясига ҳар вақт қўрпача ёган? Ҳар қадамда етти бўкилиб, таъзим бажо қилиб юрган? Қанот-қуйруғига кирволиб, маҳалла-қўйда нуфуз орттирган? Энди эса, Хумайраҳон бор шудидан холинга муздек ўтгандек бўлди..."

Қадимахон афсуснамо бош чайқаб қўйди: — Тавба қилинг, Оқибатпошша. Жудаям чакки фикр қилибсиз! Бир банди нотавон аёлга ўлим соғиниш — гуноҳи азим. Хайронман, ўтмишдаги унут гапларни беъмизм титқилайсиз. Мен кек-адоват сақламаганман бу хил гапларга. Дилингизда нима гап ўзи, англаёлмадим. Оқибатхон, ўпка қилгандек, қошларини аразоним чимириб қўйди: — Қўйинг-э, бир нима деса, дарров эскичадан келасиз! Гуноҳ дейсиз, тавба-тазарру дейсиз... Хай, майлига, хафа бўлмадинг! Энди гапнинг лўндасини эшитинг: баъзи бир обрўли аёллар эртага Хумайраҳонни кўрган ўтмоқчимиз. Сиз ҳам бизга қўшилинг. Бугун, беш бошқа аёллар кетди. Нафсиламри,

Оқилжон ҒАФУРОВ

АЁЛ ОРИ

энди оддий аёл эмассиз, бой хотинсиз, ўргулай! Ҳар-хил халанги-қасанги аёлларга яқин юраверманг, дейман-да! Пўрим кийини олинг. Тилла тақинчоқлар тақиб эсдан чиқмасин тагин...

Қадимахоннинг устидан мисоли бир челақ муздек сув тўнкарилгандек бўлди. Қаршисига Оқибатхон эмас, мунофиқлик, риёкорлик ва тубаникнинг жиркан тимсоли тургандай, эти жунжики кетди.

— Оқибатхон! — деди илкис таассуф назари билан, — Хумайраҳондан хабар олайлик дейсиз, бу — мақбул фикр. Бемор ҳолидан хабар олишлари — эзгу фазилат. Лекин, назаримда, касал кўриш орқасида бошқа маъно борга ўхшайди. Пўрим уст-бош, тилла тақинчоқ дейсиз! Ажаб, ресторанга қуда тўйига кетяписиларми? Агар биз жиндек мол-давлат орттирган бўлсак, бу — Оллоҳнинг бир марҳамати. Лекин мен бошқача ният қилмаганман, худого шукр...

Оқибатхон бир нафас лабини буриб, тўрсайиб олди. Кейин истеҳзоомуз ишшайиб деди: — Ҳай, бошқача тушунманг-да, эгачи? Биз ҳам ҳали инсоф-виждон деган нарсалардан жа-а унчалик белинасиб қолганимиз йўқ. Лекин агар... Мабодо ўрингизда бўлганимдами! Қўша-қўша тақинчоқлар тақволиб, Хумайраҳонни нақ жонини олардим! Кайтар дунё деб қўйибдилар!..

Оқибатхон кетди. Қадимахоннинг

ҲУМОЮН



ҚИШЛОҒИМ

Салом, мени кутган, кутмаган Бутазорга яшринган сўқмоқ, Сени излаб топдим, бироқ Билдим, бундан ҳеч ким ўтмаган.

Бутазорни очиб бораман Ана, ҳамон бордир изларим, Ана сўзим, ўзим, кўзларим Бу болани таний оламан!

Сўқмоқ юзин қопламан аста, Ялпиз, гуллар, райҳонлар раста, Яқинлашиб келар йироқлар...

Интиламан бир манзил томон Ва қаршимда булар намоён — Кузги гуллар, олтин япроқлар...

Кузги гуллар, олтин япроқлар, Ёлга соллар ўтган баҳорни, Лойқа сувдан жўшқин анҳорни... Ташвишлардан фориг у чоғлар.

Жўшқин тўлқин оқиб кетаркан, Соҳилларда барқ урар боғлар, Майсалар ҳам турфа гнёҳлар Сўқмоқларни ёпиб кетаркан.

Аmmo кузнинг гуллари гўзал, Япроқлари олтин зарҳал, Қалб торига солар титроқлар!

юрагини нохуш ҳиссиётлар тимда-лай кетди. Кириб, диванга ҳорғин ёнбошлади, яқин ўтмиш хаёллари қаърига сингди...

Дарҳақиқат, Қадимахон бир амаллаб кун кўрар эди. Маҳалла-қўйда хокисор феъл, ҳақиқ бир аёл эди. Эри — Сайдам табобгон бахтсиз тасодиф тўғриси билан ўтган, билла мушкул ахволда қолди. Бева аёл, қайси тошга бошини уришини билмай, зор йиғлаб қолди: бир ёқда буй ётиб келаятган икки қиз ташвиши, бир тарафда — ўғил тақдирини...

Рости, кимлардир ўртага тушди, лекин бошқа турмуш қилмади, фарзандлари олдида ор-номус қилди. Қизлари билан баҳарҳол дўппи тикди, чеварликка зўр берди. Минг машаққат билан қизларини турмушга берди. Тор-таранг вази-ятларда акаси — нонвой Умармирза рўзгорига баҳоли имкон кўмаклашиб турди. Лекин у ҳам серфарзанд, толгани ўзидан ор-майди. Опаси Гулсумбиби ҳам рўзгорига маълум вақт қарашиб турди, кейин оламдан ўтди. Йўқчилик суяк-суяқдан йўқ, худого илтижо қилиб, бир сиқимгина давлат тилади...

Бахтига ўғли Қўлтуғмурод ўтли-шудли, уквули чиқди. Бирварақай икки-уч хунаринг бошидан турди. Усталардан фотиҳа олгач, мустақил иш бошлади. Уч-тўрт йилда мўмайгина жамғарма йиғди. Уйланди. Пасткакини уйлари бузиб, кироий иморат солди. Чорва ферма-сти тузди, иссиқхоналар барпо этди. Халоп бойлик орқасидан "Ласетти" олди. Эл-юрт ичиде ҳурмат қозониб, мартабаси улғайди.

Кўпқаватли уйлardan бири. Тўртинчи қаватда, бир хонали хонадонда ҳазин вазият ҳукм сурумоқда. Бурчакдаги каравотда тирикдан нари, ўликдан бери бемор ётибди. Бу — Хумайраҳон. Ха, инсон ёзуғига нелар битилгани ёлғиз Оллоҳга аён... Эри Ёндошали узоқ йиллар мобайнида нуфузли ташкилотга раҳбар бўлиб ишлади. Хумайраҳон, агар таъбир жоиз бўлса, тилла бозорининг "энг олди фигураси" эди.

Фалокат келса, қўша-қўша келди, деганлари рост экан. Аввалига ташкилотдан катта камомат чиқиб, Ёндошали кулоғига қарга ботди. Ёлғиз ўғил, арзандаи-кироманда Эргашали эса кимор ўйинидан боши чиқмай, ота-она бойлигини кўкка соғурди. Улганнинг устига тепган деганларидек, шу кунларда Хатибахон деган бир шаллақи жуван шовқин кўтариб, "Қўлимдаги бола неварайиз бўлади, агар квартира обертанганлар, ўзларингдан кўринган — ўғлизи шартта қаматиб юбораман!", деб Хумайраҳоннинг жонини олди...

Хуллас, ҳовли сотилди, машина қўлдан кетди. Ёндошали ака нафақат комомати қоплади, кўшимчасига беш йилга кесилиб кетди. Бу мусибат камлик қилгандай, нобакор ўғил Эргашали наркотик модда савдоси устида қўлга олинди. Келинлари Шарофатхон: "Юзи шувут оилада келин бўлиб яшайдан иснод қиламан!", дея икки фарзанди билан қайтмас бўлиб чиқиб кетди.

АЁН БЎЛГАЙ БОРЛИҚ РАНГЛАРИ

Гарчи менинг кўнглим эзди, Бу тупроқнинг кўксин беъади Делҳон умри каби сўқмоқлар!

Мабодо тил битса узумга, кузда Кўёш меҳри жилдоланиб мевасида, Яшил япроқларини силжитиб бизга Сўзлар эди Фарғонанинг шевасида.

Пичирлаб сўзларди, ширин сўзларди Тўқмайин деб донасини мисли шабнам. Илк бор айтар гапи шундай бўларди: "Раҳмат, мени бошга кўтарган одам!"

ЁЗ ТОНГИ

Ёз тонглари ёқимли, ширин Нур очганда туяларнинг сирини.

Яшил ўтлоқ, кўм-кўк дарахтзор, Тиниқлашиб оқди анҳор.

Қизил-сарик гулзорнинг нақшини, Унда хушбўй еллар оқини.

Ёзлар олар юраклар олов, Жазирама нафаси лов-лов.

Кўзларингизни куйдираг такрор Олис тоғлар бошидаги қор...

БИБИХОНИМ

Оналар! Тилдаги сўнғисиз достоним, Шаъни сиз тўғрисида улғур жаҳоним. Айтнинг, сизга қандай таъриф толайин Султонлар онаси Сароймулхоним!

Хумайраҳон адо бўлди, сўнг тақдирга тан берди. Чекига тушгани — шу биргина каталак бўлди. Хайриятки, боши ёстиққа текканда, қаровчисиз қолмади. Жиянлари — Раънохон ва Ўғилхонлар мудом бошида парвона...

Июннинг оловли кунларидан бири. Хумайраҳон, дим ҳаводан нафаси қайтиб, орғидан азоб-укубат чекиб ётибди. Бир тутамгина гавдасини хали у ёнга, хали бу ёнга ташлаб, беҳуд бўлаверди.

Завол пайти туйқус эшик тақиллаб қолди: "Хумайраҳон-ув, Хумайраҳон!.. Ошхонада овқатга уннаётган Раънохон дарҳол бориб эшикни очди.

— Ассалоуму-алайкум, келинлар, холалар... — Ваалайкум ассалом, кўп яшанг, қизим, — алиқ олди баббаравар тўрт нафар аёл. — Хумайраҳон шу ерда турсалар керак?

— Шу ерлардан. Ичкарига марҳамат, — тақилқ қилди Раънохон.

Аёллардан уч нафари ўзига оро бериб, башанг кийинган, фақат биттаси одмигина кийимда, қўлида дастурхонга ўроғлик тоғораси бор эди.

Ҳарҳолда, димоққа хушбўй фаранг атирлари аралаш "гуп" этиб палов иси урилди.

Келгувчиларни кўриб, Хумайраҳон сурат бўлиб қотиб қолди. Негаки, уларга бу ахволда кўриниш бериш унинг учун ўлимдан ҳам қаттиқ эди...

— Келинлар, пошбойимлар... — деди Хумайраҳон, дармонсиз вужудини базўр қимирлатган кўйи. — Уй-ичлар билан эсон-омонмисизлар? Раҳмат, қадр-қиммат қилиб келсизлар...

— Вой, эгачи, шунчалик азоб-укубат чекиб ётибсизми, а?! — ичи ачишган бўлди Оқибатхон, кўзларига ёлғондакам рўмонча суртиб. — Бордондай хотин рамақижон бўб кетибсиз-ку! Эх, шундоғ бойвучча хотин шу кўйларга тушиб қолдингизми, а? Худойим-эй, нима гуноҳ қилиб эдингиз? Бирам ачиниб кетяпманки!

— Начора, Оқибатхон, пешонамда шу ёзуғлар бор экан...

Нафис батистдан кўйлак кийиб, қулоқларига тилла балдоқлар осган, гупчадек семиз Кароматхон бурнини жийирганнамо:

— Зап квартира опсиими? Қуллук бўлсин бағи энди! — деди пичингамо кесатиб. — Лекин андак баҳдид экан. Шу, аттеги-баттеги шикаст-реҳтини ремунт қилдириб кирмабсиз-да аввалбошда, ўргулай! Лекин салга эзиллаверманг. Бурн дурхун эдингиз, ушққина бўб қопсиз...

Бу сўзлар Хумайраҳоннинг юрагига наштар бўлиб санчилди.

— Қисмат экан, начора... — йиғламоқдан бери бўлди Хумайраҳон. — Беайиб Парвардигор... Гуноҳор банд эканмиз. Кимнинг тушига кирибди, дейсиз... — Бало қайда? Боссанг, оёғинг остида, деганларини рост экан, — кесатди Марҳаматхон, бағчасини силаб. — Боғи Эрамдай кошанангиз бор эди-я, кўз қамаштирғудек! Қуниш шу каталакка қолдимми энди? Ўрингизда ман бўлсам... Нақ приступ бўбқолардим-а!.. — Шунисига қуяман-да, эгачи! —

Юлдузларга тўйиқ бошда осмоним, Не-не маликалар кўрган Туроним. Аммо таъзим этди биргина сизга, Дунё таъзим қилган Соҳибқироним!

ТУН

Юлдузлар жимирлар Пирпирар гўё. Чигиртка чириллар, Оқ-ойдин дунё.

Қурбақа навоси Келар олисдан. Дилда ой далласи Ёришар ҳисдан.

Қамишлар шовуллар Шамоли бағрида. Бир ажиб туйғулар Осмон қаърида...

ТАБИАТ АЛИФБОСИ

Табиатнинг имлоси содда, Тўрт унсурда бўлган намоён. Бир қарасанг қолади ёлда Ўқилгайди оддий ва равон.

Тоғлар — қизил, қора, оқ — улғур, Дашту саҳро — қора, қизил қум. Оқу қора дарёси кутлуг Водийси ҳам воҳаси гулгун.

Етти ранга товларан мангу Сайхун билан Жайхун ораси. Шамолида оқар бир туйғу — Шудир менинг сўзим сараси.

дарров илиб кетди Оқибатхон, юзларида гўё ҳамдардлик тусини бериб. — Панжарагулнинг дарвоза, "иномарка" машина! Не ҳасратда орттирилган лак-лак бойлик тўсатдан алвидо деб, шамолга учал! Ё Худойим-эй!

— Секинроқ айтасизми! — қўшилди яна Кароматхон, қиёфасида кибр ўйноқлаб. — Айтинг-айтинг, улганнинг устига тепган қилиб, Шарофатхоннинг қочворганини айтинг! Эси-эси... Ажаб дунё экан, хай!

Хумайраҳоннинг жони ҳижидлоғига келди. Бутун жисми алам, ҳўрлик туйғуларидан оташ бўлиб ёна бошлади.

— Қўйинглар, шу лузумсиз гапларни! — деди илкис Қадимахон, танбех оҳанги билан. — Оқ-қорани таниган, кап-катта аёлсизлар!.. Дунёда ҳеч нарсани инсондек азиз, мўътабар эмас. Инсоннинг инсонийлиги асло бойлигиде эмас, иймон тозаллигиде... Сиз, Хумайра опа, унар-унмасга кўнглингизни чўктираверманг. Иншоолло, хали ҳаммаси бинийоддек изга тушиб кетади. Худо шифо берсин, отдек бўб кетинг! Дард — мисоли ўткинчи меҳмон...

Нариги аёллар кўз остидан бир-бирига маънодор қараб олишди.

— Вой, Қадимабону, бизларам асли шундай демокчимиз-да! — таънаомуз юмирилди Оқибатхон, кўзларини чимиб-очиб. — Ростини сўрасангиз, сиздан кўра мани юрагим кўпроқ қуйиб кетяпти. Осмоним, эр билан ўғил камалиб, бор давлатдан маҳрум бўлмоқ? Қаранг, машу ажина қулба Хумайраҳонга мосми?..

Хумайраҳоннинг асаби қақшадди, юзлари азобдан бужмайиб, ихраб юборди ва чап қўлини юқори кўтариб: — Кетинглар! — деди. — Бас, етади, керакмас!.. Қаёқдасиз, Раънохон? Ошхонадан дарров Раънохон чиқди.

— Лаббай, аммажон? — Меҳмонларни кузатиб қўйинг, бошқа киритманг. Уқдингизми?..

Тасвирий санъатда ҳам барча бадний ижод турларидаги каби ўз йўлини топиш учун биргина иштиёқ камлик қилади. Барчаси табиат берган истеъдодга боғлиқ, деб ўйлаганлар ҳам адашди. Аслида, рассомнинг ўз услубини, ижоддаги "мени"ни топиши катта изланишлар талаб этувчи машаққатли жараён.



Рустам ХУДОЙБЕРГАНОВ, Ўзбекистон халқ рассоми

ИСТИҚЛОЛ — БУ ИЖОД ЭРКИНЛИГИ

тасвирий санъат тарихи, буюк рассомларнинг ижодий мероси билан яқиндан танишдим. Бироқ ўқинишни яқунлаганимдан сўнг ижодий имкониятларимдан қониқиш ҳосил қилмадим. Кейинчалик, изланишларим театр ва рассомлик санъати институтининг маҳобатли рангтасвир бўлимига етказилди. Бу санъат турининг бадний имкониятлари мени ўзига мафтун этди. Шундан сўнг ижодимни маҳобатли рангтасвир билан боғлашга қарор қилдим.

Санъат ихлосмандларига яхши маълумки, маҳобатли рангтасвир асарларининг яратилиши ҳамisha ҳам рассомнинг ўзига боғлиқ бўлмайди. Мамлакатимизда бу йўналишда самарали ижод қилган ижодкорлар бор. Бироқ, афсуски, шўро тузуми даврида маҳобатли рангтасвир асарларидан мафкуравий мақсадларда фойдаланиш авж олди. Аксарият асарлар сохта шior-бозликка асосланган агитплакатларни ёдга соларди. Бу ҳолат ижодкор сифатида менга ҳам эътироз уйғотган. Шу сабабли асарларимда урфга айланган тематик ечимлардан қочишга, оддий халқ ҳаётини акс эттиришга ҳаракат қилдим. Шунингдек, миллий қадриятларимиз билан боғлиқ урф-одатлар, байрам маросимлари кўпгина асарларимнинг бош мавзусига айланган.

Уша йилларда юз берган бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Россиянинг Пермь шаҳрида қурилаётган йирик тиббиёт масканларининг бирига асар ишлашга таклиф қилинди. Бинонинг ечимларини ўрганиб чиқиб, ижодий лойиҳанинг нусхаларини меъморларга тақдим этдим. Бироқ лойиҳа билан танишиб чиққан меъморлар бироз ажабланишди. Сабаби, чизмаларимда буюк бобокалонимиз Ибн Сино сиймоси, Шарқ тиббиёти билан боғлиқ кўплаб рамзлар акс эттирилган. Шунда меъморлардан бири "Нега асарингиз марказида Гиппократ образи жой олган? Ахир, у медицина фанининг асосчиси-ку..." дея эътироз билдирди. Мен эса "Агар Гиппократ медицина фанига асос солган бўлса, Ибн Сино бу фанни санъат даражасига

кўтара олган!" дея жавоб бердим. Фикримда қатъий эканимни кўрган меъморлар чизмаларимни қабул қилишди. Асар тайёр бўлгач, нафақат шифокорлар, балки оддий томошабинлар ҳам мазмун жиҳатдан тўғри ечим топишганини эътироф этишди. Бу лойиҳа катта қурилишнинг кейинги бир қисмига айланган бўлсада, уни яратиш жараёни мен учун муҳим воқеа эди. Зеро, халқимиз тарихи, унинг бой маданиятига беписанд қаралган даврда буюк бобокалонимиз сиймосини яратишга эришганим қалбимга катта гурур бағишлади.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши, миллий маданиятимизнинг барча соҳалари қатори санъатда ҳам янги саҳифа очди. Буни миллий тасвирий санъатимиз ривожини мисолида яққол кўриш мумкин. Мустақиллик, аввало, бизларга ижод эркинлигини берди. Халқимиз бой маданиятини, қадимий тарихини асарларимизда акс эттиришга, тасвирий санъатда ўз аъналаримизни ривожлантириш-имконига эга бўлди. Мамлакатимизда муҳташам галереялар бунёд этилди, республика ва халқаро миқёсдаги санъат анжуманларини ўтказиш аънамага айланган. Ўз навбатида ижодий ютуқларимизни хориж мамлакатларида намойиш этиш имкониятини ҳам кўлга киритдик.

Юртимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларида маҳобатли рангтасвир усталари ҳам муносиб ҳиссасини қўшишга эришди. Камининг ижодида ҳам бу давр янги изланишларга бой бўлди. Истиқлол йилларида яратилган асарларим орасида, айниқса, Ўзбекистон давлат консерваториясининг Орган залига ишланган "Йил фаслари" номли ишим алоҳида ўринга эга. Ростини айтганда, ушбу асарнинг бадний ечимини топиш осон бўлмаган. Орган залига муҳлислар биринчи навбатда мусиқа тинглаш учун келишди. Тасвирий санъат асари эстетик завқ бериш билан бирга, уларни чалғитмаслиги ҳам керак. Чунки муҳлислар бу

суратларга қараб ҳаёллар оғушига чўмиши, оҳанглар мазмунини янада теран ҳис этиши лозим эди. Шунинг учун суратда гўзал табиат манзараларидан фойдаланишга қарор қилдим. Бу эса асардаги ҳар бир шаклда, гул ва даракларнинг нафис суратларида оҳангдорлиқни топиш имконини берди. Хайриятки, изланишларим бесамар кетгани йўқ. Асарим кўплаб муҳлис ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлди. Ҳатто хориж мамлакатларида ушбу ёдгорлик нусха ишлаб беришни таклиф қилишди.

Истиқлол йилларида рангтасвир йўналишида ҳам кўплаб асарлар яратдим. Бу даврда Амир Темур, Спитамен, Тўмарис сингари улўғ аждодларимизга бағишланган портретларим дунёга келди. Шунингдек, Ватанимизнинг гўзал манзаралари, тарихий ёдгорликларимиз акс этган асарлар ҳам ишладим. Уларнинг кўпчилиги бугун мамлакатимиздаги галереялар ва хорижий коллекция-

ларда сақланмоқда.

Дарвоқе, мустақиллик йилларида илм соҳаси билан кенг шуғулланиш имконига эга бўлдим. Кўпгина рассомлар қатори мени ҳам ранг қўллаш масаласи ҳамisha қизиқтириб келган. Ҳар бир мамлакат рассомининг ўз ранг қўллаш услуби мавжуд. Масалан, ўзбек рассомлари ёрқин, эҳтиросли рангларни яхши кўришади. Чунки мамлакатимиз жойлашган минтақа йилнинг барча фаслларида кўёш нурига мўл. Бу ҳолат рассомларимизнинг ранг танлаш маҳоратида акс этди. "Рангшунослик асослари" номли дарслигимда бу соҳага доир амалий маслаҳатлар, ранглардан фойдаланиш қонун-қоидаларини тўплашга эришганман. Илмий изланишларимни Камолиддин Бехўд номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтиди педагогик фаолияти билан уйғун ҳолда олиб бордим. Ўтган йиллар давомида кўплаб шоғирдлар тарбиялашга муваффақ бўлдим.

Яқинда, мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги муносабати билан "Устоз ва шоғирд" деб номланган катта кўргазма ташкил қилдик. Унда ўзим яратган рангтасвир асарлар билан бир қаторда шоғирдларимнинг ижод намуналари ҳам намойиш этилди. Томошабинлар бир устоз сабогини олган турли рассомларнинг ишларига баҳо беришди. Кўргазма шахсан менга катта таассурот қолдирди. Экспозициядан ўрин олган асарларни кўзатар эканман, шоғирдларимнинг ҳар бири тасвирий санъатдаги ўз йўлини топишга эришганини кўриб хурсанд бўлдим. Ўзимни ҳар жиҳатдан бахтли инсон, деб ҳисоблайман. Негаки, истиқлол байрамимиз арафасида ижодий изланишларим, илмий-педагогик фаолиятим ҳуқуқимиз томонида юксак баҳо олинди, "Ўзбекистон халқ рассоми" унвонига сазовор бўлдим. Буни Президентимиз ва халқимиз томонидан менга билдирилган юксак ишонч ва масъулият ифодаси, деб ҳисоблайман. Бу юксак ишончини оқлаш учун бор истеъдодим ва куч-гайратимни сарфлашга ўзимни бурчли, деб биламан.

ОҲАНГЛАР КАМАЛАГИ

Халқимизда бирон-бир инсоннинг иқтидорини, унга берилган баҳонини ифодаловчи сўзлару иборалар кўп. Айтилади, бирон хунарманд ё санъаткорнинг иши эътироф этилганда, унинг келиб чиқишига ишора қилиб, "Қонида борда!" "Ота-боболарига тортган", "Тўғма" деб қўйишади. Назаримда, истеъдодли созанда ва ҳофиз Абдор Зуфаров ҳам ана шундай баҳога муносиб ижодкорлардан бири.

Зеро, у машҳур созгар, Ўзбекистон санъат арбоби уста Усмон Зуфаров ва такрорланмас созанда, Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматовларнинг невараси. Ана шундай ҳавас қилгувчи ижодий муҳитда ўсиб-ўлғайган.

Мен Абдорни болалигидан, илк бор қўлига соз олган, илк бор хонш қилган пайтлардан буён биламан, деб ўйлайман. Қолаверса, кўп йиллар давомида ёнма-ён ҳовлида, нафақат қўшни, балки қон-қариндош бўлиб яшаганмиз. Шу маънода, ушбу ёзувлар қозоғга тушгунга қадар, Абдорни ана шундай, яқиндан биламан деган ҳаёлда эдим. Таассуфки, бундай бўлиб чиқмади.

Билганларим шуки, Абдор таниқли созгар уста Сиддик ака Зуфаров оиласида туғилган. Ўзбекистон давлат консерваториясининг "Аънавий ижрочилик" кафедрасида ўқиган, ҳозирда айни шу кафедрда катта ўқитувчи лавозимида ишлаяпти. Мумтоз адабиётга, мақом йўлларига ошувта. Устозлар репертуридан, хусусан, Ҳожи Абдулазиз, Мулла Тўйчи, Расулқори Мамадалиев, Орифхон Ҳотамов ижросидаги мумтоз ашуларни севиб айтади. АҚШ, Франция, Туркия, Голландия, Хитой сингари қатор хорижий мамлакатларда ўтган Ўзбекистон кунларида, халқаро фестивалларда, ижодий сафарларида бўлган.

Энди буларнинг ёнига билмаганларим қўшилди. Унинг биринчи устози — бобоси, беназир созанда Турғун Алиматов. Юртимиз мустақилликка эришиши арафасида консерваториянинг "Танбур синфи"га битта талаба — Абдорнинг ўзи қабул қилинган. Сабаб, у пайтларда миллий созларга эътибор суст, кўп йиллар давомида ўзбек миллий чолғулари дунё саҳнасида қичқолай келарди. Мустақиллик туфайли миллий созларимизга, хусусан, танбур, дутор, сатоларга ҳам йўл очилди. Эндилкида, улар ҳам ижодий жамоалардан, концертлардан кенг ўрин олиб келаяпти. Ҳозир юртимизда ўнлаб танбурчи, дуторчи ёш созандалар таҳсил олмоқда.

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида шу вақтгача танбур ва сато билан ҳеч ким саҳнага чиқмаган экан. Абдор биринчилардан бўлиб ана шу ўзбек созларини дунё саҳнасига олиб чиқди. Яқинда Самарқандда бўлиб ўтган "Шарқ тароналари" IX халқаро фестивалида у сатода "Наво", танбурда "Кўкочна тановар" куйларини катта маҳорат билан ижро этди ва ана шу нуфузли фестивалда "Ғолиб топилиб, шарафли" учинчи ўринни олишга сазовор бўлди.

Абдор мумтоз адабиётни севади. Шахсий кутубхонасининг асосий қисмини Лутфий, Алишер Навоий, Машраб, Бобур, Оғахий сингари буюк шоирларнинг газал тўпламлари ташкил этади.

Абдор Зуфаров табиатан хушчақчақ, дилкаш йигит. Шунинг учун ҳам ўзaro гурунларимиз ҳамisha кулгига, ҳазил-мутойибага бой бўлади.

— Ҳозир тарақа-туруқ эстрада қўшиқлари урфда-ку. Сен нега бу йўлда айтмайсан? — сўрайман ундан.

— Эстрада аслида зўр санъат, лекин пешонасини "шўр" қилаётганлар бор. Шуниси ачинарли, — дейди у жиддий тарзда ва юзига табассум ёйилади. — Назаримда, мен бу йўлга, у эса менга тўғри келмадик, шеклили.

Ҳеч қандай экспериментларга қарши эмасман. Чунки изланиш бор жойда ижод бўлади. Лекин бунда ҳам меъёрини унутмаслик лозим. Рамзий маънода айтсак "одаминг оёғи заминдан узилмаслиги" керак. Масалан, "шоу — бизнес" яхши, ammo энг ачинарлиси, унинг ёшлар савиясига салбий таъсири сезилиб қоляпти. Тўғриси айтсам, ўз халқининг мусиқий меросини, миллий маданияти, маънавиятини эъзозламаган хонандаю созандаларни ҳурмат қилмайман. Чинакам юлдузлар кўкда чакнайди. Ёниб тутаетган ўтинлардан сачраган учкунлар ҳеч қачон юлдуз бўла олмайдди, ялт-юлт қилиши мумкин холос. Уларнинг умри қисқа.

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида эллиқдан ортиқ хорижий мамлакатдан келган санъаткорларни кўриб, уларнинг ўзбек мусиқаларини, миллий созларини, уларнинг эвозини, хонандаларимизнинг нолишларини ҳайрат ва ҳаяжон билан қарши олганларни кўриб, алланечук ҳиссиётлар оғушида қолдим. Назаримда, қадимий Регистон майдони нафақат жаҳон мусиқа фестивали саҳнасига, балки ўзимизнинг ўзбекона оҳанглар, миллий аъна ва қадриятларимиз намойиш этилган муҳташам саҳнага айланган қолгандек бўлди. Ана шундай улкан анжуманда қатнашганимдан бахтиёрман.

Айтишларича, куйларнинг ҳам ранги бўларкан. Масалан, "Муножот" — тўқ жигарранг, "Наво" — кулранг, "Чоргоҳ" — оқ ранг ва ҳоказо. Улар жуда кўп. Балки, оламда қанча куй, қанча оҳанг бўлса, шунча ранг ҳам бўлиши мумкин. Худди камаланинг турфа ранглари мисол.

Бастакорлар, хонандаю созандалар эса ана шу "камалак"ни кашф этдилар, уларни намойиш қилдилар. Ана шундай қобил ва қодир санъаткорлар сафида мумтоз мусиқамиз ошувтаси Абдор Зуфаров ҳам борлигидан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Эркин УСМОНОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими



"ТЕАТР", 2013 йил, 4-сон

Журналнинг навбатдаги сони "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О м о н у л л а Ризаевнинг "Янги марралар сари" деб номланган мақоласи билан очилди. Унда шу йил 23-28 июн кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон театрларининг "Сени куйлаймиз, замондош!" иккинчи республика танловининг аҳамияти ҳақида сўз боради.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтиди бўлиб ўтган навбатдаги "Талаба ёшлар ижодий" кўриги мазкур институт профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшларининг малакавий, ижодий, илмий, маърифий-тарбиявий ишлари ҳисоботи бўлди. Санъатшунослик фанлари доктори Тешабой Баяндиёвнинг "Галвир сувдан кўтарилди" номли мақоласида мазкур тадбир атрафлича ёритилган. Санъатшунослик фанлари доктори Сарвиноз Қодированин "Илк ўзбек ёзма комедиялари", Зарногор Абдураҳимовнинг "Кўғирчоқ театри драматургияси", Дилмурод Узоқовнинг

дурасуловнинг мақолаларида "Сени куйлаймиз, замондош!" танловида намойиш этилган спектакллар таҳлил этилади, саҳна асарларининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида фикр юритилади.

Журналларни варақлаганам

"Янги давр мусиқали драмаси" каби мақолаларида ўзбек театр санъатининг турли йўналишлари бугунги кун нуқтаи назаридан кўриб чиқилган.

Шунингдек, журналдан Сарсенбай Узоқбоев, Мавлон Хўжаев, Гулруҳ Олимова, Нодира Шарипова, Соҳиба Тошқулова, Умида Хасанова каби муаллифларнинг бугун ўзбек театри санъатида кечаетган турли жараёнлар, таниқли ҳамда ёш актёрлар фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалари ўрин олган.

Журналнинг "Саҳна тарихидан", "Вилоят театрларида", "Кўриқлар, танловлар", "Премера", "Кўнвоқ антракт" каби руқнари остида чоп этилган материаллар ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотди.

Рамиз ВАЛИЕВ

ВЕНЕЦИЯ КИНОФЕСТИВАЛИ



Венеция кинофестивалининг етмишинчи — байрамона дастури ўз ишини яқунламоқда. Кино тарихидаги энг "кекса" фестиваллардан бири ҳисобланган ушбу анжуман, одатдагидек, кўплаб машҳур санъаткорларни жамлашга эришди. Фестивалнинг очилиш кунини режиссёр Альфонсо Куаронанин "Гравитация" номли фантастик картинаси тақдими ўтказилиб, унда бош ролни ижро этган Сандра Буллок ва Жорж Клуни каби машҳур Голливуд юлдузлари иштирок этишди.

Бу йил фестивалнинг асосий танловига йигирмата филм саралаб олинди. Улар орасида Хаяо Миядзакиннинг "Шамоил исёни", Филип Гаррелнинг "Рашк", Стивен Фрирзнинг "Филомена", Жон Кёрррнинг "Сўқмоқлар", Жанни Амелионинг "Доворак" каби картиналари бор. Танловда тўлиқ метраж-

ли бадний филмлар билан бир қаторда ҳужжатли ва анимацион жанрдаги асарлар ҳам жой олгани эътиборга лойиқ. Асосий танловдан жой олган барча филмлар италиялик режиссёр Бернардо Бертолуччи бошчилигидаги ҳайъат томонидан баҳолаб борилди. Фестивал дорасида ўтказилган ижодий лойиҳалар орасида, айниқса, "Venezia Classici" номини олган мумтоз филмлар намойиши муҳлисларда катта қизиқиш уйғотди.

Эслатиб ўтамай: етмишинчи Венеция кино фестивали 28 август кунини очилган бўлиб, эртага унинг ёпилиш маросими бўлиб ўтади. Ғолиблар номи расман эълон қилинган, бразилиялик таниқли режиссёр Терри Рагобернинг "Амазония" ҳужжатли филминини намойиш этиш режалаштирилган.

ПОМПЕЙ ЯНА ХАВФ ОСТИДА



Қадимий Рим меъморчилигининг бугунги кунда сақланиб қолган энг йирик ёдгорликларидан бири — Помпей шаҳри ЮНЕСКО умумжаҳон меросининг йўқолиб бораётган намуналари қаторидан жой олиши мумкин. Бу ҳақида ЮНЕСКО ва Тарихий

Етти ранг

ёдгорликларни асраш халқаро қўмитаси эълон қилган расмий баёнотда ҳам таъкидлаб ўтилган. Унда қайд этилишича, Помпейда жойлашган ўн учта бино ҳозирги кунга келиб жиддий хавф остида қолган. Бундан ташқари, олимлар бошқа ёдгорликларнинг меъморий аҳоли ҳам тобора ёмонлашиб бораётгани тўғрисида хабар беришмоқда. Масалан, 2010 йили Помпейдаги "Гладиаторлар уйи" номини олган бино узоқ давом этган ёгингарчилик туфайли тўқилиб тушди. Помпейдаги ноёб деворий суратлар ҳолати ҳам катта эътиборни талаб қилмоқда.

Ҳозирги кунда мутахассислар қадимий ёдгорликни асраб қолиш борасида жиддий изланиш олиб бораётир. Помпей шаҳрини асраб қолишга Италия ҳуқуқати ҳамда Европа иттифоқи биргаликда бир юз беш миллион евро маблағ ажратган. Маълумотларга қараганда, шаҳардаги сўнгги реконструкция ишлари 2015 йилнинг декабр ойида яқунга етиши лозим.

ВАН ГОГ АСАРЛАРИ "3D" КЎРИНИШИДА

Буэнос-Айрес шаҳрида машҳур рассом Винцент Ван Гог асарларининг "3D" кўргазмаси ўтказилгани ҳақида аввал ха-



бар берилганди. Амстердамда жойлашган Ван Гог музейи ҳам бу йўналишда катта лойиҳага қўл ургани эълон қилинди. "The Guardian" нашрининг хабар беришича, музейда машҳур рассом асарларининг "3D" нусхалари сотуви йўлга қўйилган. Таъкидлаш лозимки, санъат асарларининг бу каби савдоси илк бор ташкил этилмоқда. Лойиҳа Ван Гог музейи ва "Fujifilm" ҳамкорлигида амалга оширилган бўлиб, "3D" нусхаларни яратиш учун етти йилдан ошқ вақт талаб этилган. Музей директори Аксель Рюгер эътирофига кўра мазкур асарлар асл нусхаларидан деярли фарқ қилмайди.

Сотувга қўйилган асарлар орасида Ван Гогнинг "Гуллаётган бодом шохлари", "Ҳосил", "Кунгабоқарлар", "Қора булутлар остидаги будғайзор", "Клиши хиббони" каби машҳур картиналарини учратиш мумкин. "3D" асарларнинг баҳоси йигирма икки минг фунт ташкил этади.

ЯНГИ БЭТМЕН

2012 йилнинг энг яхши филми йўналишида "Оскар" мукофотига сазовор бўлган таниқли Голливуд актёри Бен Аффлек супер қаҳрамонлар роллида ҳам ўзини сынаб кўрмоқчи. "Warner Bros." кинокомпанияси эълон қилган расмий маълумотга кўра, актёр "Тўлат одам — 2" филмида машҳур Бэтмен ролни ижро этиши лозим.

Муҳлисларнинг хабари бор, Бэтмен қиёфаси Майкл Китон, Вэл Килмер, Жорж Клуни каби Голливуд юлдузлари томонидан талқин этилган. Бироқ уларнинг ҳеч бири Кристиан Бэйл яратган Бэтмен образи сингари шухрат қозонмаган. Бэтмен туркумида суратга олинган



филмлар орасида айнан К.Бэйл иштирок этган картиналар энг катта даромад келтирган. Шунга қарамай, "Тўлат одам — 2" филми ижодкорлари Б.Аффлекка катта умид боғлашмоқда. Хусусан, картина режиссёри Зак Снайдер ҳам актёр маҳоратига юксак баҳо берган.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Бўлажак ёш олим Тоболск архивда ишни тамолаб йўлга чиқди. У ердан Тюменга бориш учун Тобол дарёсидан ўтиш керак эди. 2-3 соат қайиқ кутди. Қайиқ келганида одамлар «гур» этиб унга ёпирилишди. У одамлар оёғи остига йиқилиб тушганига қарамай, қайиққа иттилади. Амаллаб жойлашди. Қайиқ меъридан кўп одам чиққани учун бир томонга қийшайди. Унинг бир қўли сувга ботди. Совуқнинг забтидан урушда ноғирон бўлган оёғи шишиб, сувга ботган қўли зиркираб овғир бошлади...

муносиб хиссасини кўшди. "Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII-XIX асрлар)" номи асарида маҳаллий халқларнинг чоризмининг ҳарбий юришлари ва қарши норозилик ҳаракати ва қаҳрамонона кураши тарихнавислигимизда биринчи марта тахлил этиб берилди. Олим ўтмишда Хива, Бухоро, Қўқон хонлиқларининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳволи



Сибирда яшаган ўзбеклар масаласига қўл уриб, мозийда Мовароуннаҳрдан чиққан аждодларининг Сибир ва Урал, Волгабўйи халқларига илм-фан, маънавият элчилари бўлиб борганини исбот қилдингиз. Шарқий Туркистон халқларининг эрк ва озодлик учун курашлари тарихини ёритишда ҳам сизнинг хизматларингиз жуда улкан бўлди. Сиз кўп йиллик фаолиятингиз давомида устоз ва жонкуяр мураббий сифатида юқори малакали тарихчи мутахассислар тайёрладингиз. Устозлик фаолиятингиз барчага ўрнак бўлгуси", деб ёзди қозғонистонлик профессор С.Пирэлиев.

ҚАЙТА ТУФИЛИШ БАХТИ

мунтазам ўлчаб турадиган тарозига ўхшатиш мумкин. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Хамид Зиёев умрининг қарийб ярим асрини ана шу адолат тарозусини ўрганишга, игна билан илм кудугини қазишга бағишлади. У 60 йилдан ортқ вақт мобайнида ЎзФА Тарих институтида фаолият юритди. Халқимиз тарихини холис ёритишга бағишланган ўнлаб китоблар ва 400 га яқин мақолалар эълон қилди.

қандай бўлганлигини ҳам қучур ўрганди. "Истиқлол — маънавият негизи", "Тарих ўтмиш ва келажак кўзгуси", "Тарихнинг очилмаган саҳифалари", "Озодлик учун тўқилган қонлар" каби китоблари орқали олим халқимизнинг буюк ўтмишини, мустақиллик ва эрк йўлида курашган аждодларимиз кечмишини ҳаққоний ёритди. "Умрининг 68 йили совет даврининг зарбалари билан ўтди. Мен атиги 22 йилдан бери ҳурлик ва озодликда яшаб келяпман. Том маънода мустақилликдан кейин қайта туғилдим." Бу — атоқли олим

Хамид Зиёевнинг тез-тез такрорлаб турадиган ибораси. Инсон ҳаётининг қиммати унинг ёши билан эмас, балки қандай яшагани, амалга оширган ишлари билан белгиланади, дейишади. Хамид Зиёевнинг салкам бир асрлик умри аслида бир китобга сифмайди. Унинг оиласини "кичик академия" дейишганича бор. Чунки бу оиладан 4 нафар фан доктори, бир нафар фан номзоди етишиб чиққан. Ота каби фарзандлари ҳам эл ишига камарбаста, жонкуяр. Шогирдларининг эса саногий йўқ, Айнисса, байрамларда, туғилган кунларда Хамид Зиёевнинг уйи нақ тўйхонага айланади. "Сиз тарихшуносликда ҳеч ким қўл урмаган соҳага —

Икки оғиз дил сўзи

маган саҳифалари", "Озодлик учун тўқилган қонлар" каби китоблари орқали олим халқимизнинг буюк ўтмишини, мустақиллик ва эрк йўлида курашган аждодларимиз кечмишини ҳаққоний ёритди. "Умрининг 68 йили совет даврининг зарбалари билан ўтди. Мен атиги 22 йилдан бери ҳурлик ва озодликда яшаб келяпман. Том маънода мустақилликдан кейин қайта туғилдим." Бу — атоқли олим

Барно СУЛТОНОВА

"БЕШ СЎМЛИК КЕККАЙИШ"

— Дода, бизни соғиндингизми? — Соғиндим, болам қачон келасизлар? — Сиз янаям соғиниб туринг, кечкурун борамиз, — деди набаира.



Бола тилидек ширин ва гапнинг бўларини айтадиган ҳажвия жанри доимо ўз ўрни ва ўқувчисига эга. Бу ўринни ушбу жанрда қалам тебратаётган истеъдодли адиб ва шоирларнинг ижодий салоҳияти, ҳаётий қузатувчанлиги белгилайди.

Шоир ва публицист Абдунаби Бойқўзиёвнинг "Истиқлол" нашриётида чоп этилган "Беш сўмлик кеккайиш" китобидан ўрин олган ҳангомалар, ҳажвий шеърлар, фелетонлар ва ҳақон кулгу усталари қаламидан тўқилган мўъжаз асарлар таржимаси китобхонларга ўзига хос туҳфа бўлди. Кулгу тагидаги пиҳона сўз ва сўз ўйинлари ўқувчи сирини билгани сайин мириқадиган, ўзига хос тўхтамларга келадиган қизгин мутолаа завқини беради. Ҳаётий, ҳар бир катта-кичик қисмлари, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларига ҳам ўзиники бўлган ушбу воқеалар ифода услуби, муаллиф адабий тили билан янада аҳамиятлидир. Китоб муҳаррири Ж.Раззоқов.

Куйида тўпلامдан ўрин олган ҳангомалардан бирини эътиборингизга ҳавола этаймиз.

Луғимбек қишлоғидаги истироҳат боғида ижодий ўчрашув белгиланган. Ўғлимиз Дилёржон, набирам Жавоҳир билан йўловчи машинада Избосканга отландик. Ҳаш-паш дегунча уловимиз Ангрндан ўтиб, довонга ўрмалай бошлади. Одатда бундай сафарларда, сергақроқ кетиш мақсадида хайдовчиларнинг ўзлари йўловчиларни гапга тутушади. Бу гап ҳам шундай бўлди. Хайдовчи йигит сўзамолгина экан: гапимиз гапимизга қовуша қолди. Сўхбат мавзуси ҳаёт мазмуни умрининг

Ҳангома

ўткинчилиги, инсон кадр-қиммати миёнасида айланарди. Унга ҳамсўхбат бўлиш учун мен ҳам гап бериб боряпман: — Ешимиз ҳам, мана, олтимишни қоралапти. Шу довонларда "Қайдасан, Андижон!", "Қайдасан, Тошкент!" деб умримиз ўтапти-да... Набирам Жавоҳир бу гапимни "қариб, адоий тамом бўляпмиз", деган маънода тушунди шекилли, меҳрибонлик кўрсатди: — Дода-дода, Тошкентга қайтсан,

юзингизни пластик операция қилдира-миз. Зигирдеккина боладан бундай гап чиқишини ким кутибди, дейсиз. Ҳаммамиз лол бўлиб қолдик. Хайдовчи йигит эса кулгудан ўзини зўрға тўхта-тиб, хангомани давом эттириш ишти-ёқидами ёки боланинг пластик опера-ция ҳақидаги тасаввурини янада ойдинлаштириш ниятидами, Жавоҳирни

ПЛАСТИК ОПЕРАЦИЯ

саволга тутта кетди: — Пластик операция қилдиранми бўлади? — Додамни яшартириб қўяди. — Доданг яшартириб қолсанми бўлади? — Мазза қилиб... бирга ўйнаб юрамиз. — Ҳозир ҳам бирга ўйнаб кетаяпсизлар-у? — Бекинмачок, қувлашмачок ўйнамайдилар-да. — Бекинмачок, қувлашмачок ўйнай-лик, деб айтмагандирсан-да? — Айтганим билан Додам югурол-майдилади. Говдалари ко-отта. Ўзим билан баравар бўлиб қолсан, тезда беркиниб оладилар. Мен қийналиб-қийналиб зўра топаман. Қаерга яши-ринсалар ҳам барибир кўриниб қола-верадилар.

— Доданг яширинаётганда кўзингни юмиб, қарамай тургин-да. — Додам дарахлардан ҳам йўғону. Кўзимни юмсам ҳам қорни кўриниб қолавереди. — Унда, додангни баланд деворнинг орқасига яшириб қўйиб, кейин изла-шинг керак экан... Сўхбат шу ерга етганда, дарахнинг панасига "радар" қўйиб, пойлаб турган

ДАН ходимининг хуштаги янгради. Инспектор қизил тағи билан машина-ми зўхташи лозим бўлган жойни кўрсатиб турарди. — Э-эҳ, — ҳўрсинди хайдовчи йигит, ғаладонни титкилаб, ҳужжатларини оларкан ва гапни яна ҳазилга буради, — ДАН ходимларининг дарахлардан ингичкалиги чатақ-да. Гап билан бўлиб, тезлик ошиб кетувди-да ўзи. Иштира-пи ҳам додангнинг қорнида катта бўлади-да энди, болам... Хайдовчи йигит инспекторнинг ол-дидан тезгина қайтди. Яна йўлга туш-ди. Энди унинг беш дақиқа олдинги сўзамоллигига дилкашлигидан асар ҳам қолмаган. Унинг бу кайфиятини ДАН ходими ўзи билан олиб қолган эди.

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ

"НАХШОНА"

Миллий насримизнинг мустақиллик йилларидаги тараққиёти ҳам муаллифлар салмоғи, ҳам янгича тақдир ва образлар билан бойиди.



Истеъдодли адиба Ҳафиза Эгамбердиевнинг "Шарқ" нашриётида чоп этилган "Нахшона" номи қиссалар тўплами ҳам насримизнинг тарихий асарлар жавонидан муносиб жой эгаллайди. Китобга "Нахшона" ва "Бир дўмбара қисмати" қиссалари киритилган. Ўзвучи қаламага олган мавзулар узоқ ва яқин ўтмишимиз, бугунги кунимизнинг турлича манзараларидан ҳикоя қилади. "Нахшона" — она юртининг фидойиси. Унинг олий мақсади — халқини мўғуллар тазийқидан халос қилиш, ватанин озод кўриш. Бироқ одамларнинг тинч яшашдан бошқа нарсани ўйлашмаслиги уни йўга толдиради. Жасур қиз юртдошларининг кўпчилигида инсонга хос асл хусусиятлар йўқолиб, "тирик юришга интилиш" туйғусига қолганидан эзилди. "Туронзамин эрки, эртаси учун шахид бўлмоққа" рози Нахшонани адиба ғайриоддий одам қилиб кўрсатмайди. Ўзи тенги барча қизлар каби орзуманд, яхши ҳаёт умидидаги бу қиз вазият туйғайли қаҳрамонга айланди, деб ёзди филология фанлари номзоди Мухайё Йўлдошева китобга ёзилган сўзбошида.

Китобхонни ўйлашга, мушоҳада қилишга ундовчи ушбу тўплам муҳаррири Рустам Бойтўра.

Доимий ҳамроҳ

Феруза ТЎРАЕВА

"БИЗДАН ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН"

Кончилар, нурчилар, ўқитувчилар, шифокорлар, кимёгарлар ва хунармандлар маскани бўлган Ангрн ўзининг фидойи ва жонкуяр инсонлари билан элга маълум.



Улар орасида ўз табаббуси, жонкуярлиги билан таълим, тиббиёт, маданият, спорт, саноат соҳаларида обрў-эътибор қозонган, янгиликка интилувчан кишиларнинг хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Мухаббат Раҳимберди қизининг Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик шодийнаси ҳамда "Обод турмуш йили"га бағишлаб "Наврўз" нашриёти томонидан чоп этилган китобиди ана шундай элпарвар кишилар ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, мазкур тўпламда бир гуруҳ ангрнлик ёшларнинг ижод намуналари, эришган ютуқлари ҳам махд этилган. Ҳаёти ва ижоди давомида муайян ютуқларга эришган навиқрон авлод вакиллари-нинг "Ёшлар келажгимиз эгалари" бўли-мида берилган фикр ва мулоҳазалари ҳам ўқувчилар қалбига ватанпарварлик туйғуларини уйғотади. Китобга Илҳом Ҳалилов муҳаррирлик қилган.

Интернет хабарларидан.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди Ёзувчилар уюшмаси адабий маслаҳатчиси Рустам Мусурмонга онаси

ЗАЙНАБ момонинг вафоти муносабати билан қучур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекино» миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси таниқли актриса

РАЪНО ҲАМРОҚУЛОВАНИНГ вафоти муносабати билан таҳрирнинг оила аъзолари ва яқинларига қучур таъзия изхор қилади.

ЗАМОНДОШЛАР ҚИЁФАСИ

Кўргазмага қўйилган суратларда юртимизда юз берган катта ўзгаришлар, она заманимизнинг сўлим манзаралари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг замонавий қиёфаси, асосийси, халқимизнинг бахтли ва осойишта ҳаёти акс этган. Абдуғани Жумаевнинг «Бунёдкор» спорт мажмуаси, «Шимолий шохбекат», «Хаста Имом» мажмуаси каби суратларида пойтахтнинг улғувор қиёфаси ифода этилган. Ҳасан Пайдоёв суратларида ёш, бахтли оилаларнинг осуда ҳаёти тасвирланган бўлса, Назира Боймуродова портретларида замондошларимизнинг гулгун чехраларини кўриш мумкин.



Сарвара ҚОСИМОВА

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati. Маънавий: Тошкент — 100083, Матбуотлар кўчаси, 32. Қабулхона — 233-52-91. Котибият — 233-49-93. Электрон маънавий: uzas@mcs.uz. Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86. Санъат бўлими: 233-56-40. Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42. Назм ва наср бўлими: 233-58-60.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Ташриҳи қилган қўғилмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мухаббат Раҳимберди тўқтинчи насридан фарқлангани мумкин. Массўл котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ. Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОВ. Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Босмахона манзили: Буюк Турки кўчаси, 41-уяш. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.58.

ЖУМА КУНАЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИК. ISSN 2183-614X. 1772181614000